

БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ

11

СДИҚЛАР ВА БОЖОНА ХАБАРЛАРИ" ГАЗЕТАСИГА ИЛОВА

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
ЖУРНАЛ-ОРДЕР ШАКЛИНИ
ҚўЛЛАШГА ДОИР
ТАВСИЯНОМАЛАР**

ЖУРНАЛ - ОРДЕРЛАР

ҚАЙДНОМАЛАР

ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАДАВАЛЛАРИ

ТОШКЕНТ - 1997

Э.Ф.Гадоев, Л.П.Югай

**БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИНГ
ЖУРНАЛ-ОРДЕР
ШАКЛИНИ
ҚЎЛЛАШГА ДОИР
ТАВСИЯНОМАЛАР**

Лойиҳа раҳбари: Ш.Қ.Гатаулин

Э.Ф.Гадоев, Л.П.Югай

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклини қўлашга доир тавсияномалар: - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1997.
- (Бухгалтер кутубхонаси; Т.11).

Тўшамда бухгалтерлик ҳисобининг журнал-ордер шакли (формаси)-ни қўлашга доир тавсияномалар берилган, бухгалтернинг ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ишларида зарур бўладиган журнал-ордерлар, ишлаб чиқиш жадваллари, қайдномаларнинг шакллари келтирилган.

Бухгалтерлар, иқтисодчилар, аудиторлар, тадбиркорлар, иқтисод олий ўқув юртларининг талабалари ва бошқа қизиққан китобхонлар учун мўлжалланган.

СЎЗ БОШИ

Тўпламда ҳисобга олишни иккилик тизими бўйича юритадиган барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ҳамда барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар учун республика ҳудудида амал қиладиган ягона ҳисобварақлар режасига асосланган бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклини қўллашга доир тавсияномалар берилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар, бажариш, хизматлар кўрсатиш) чиқимларининг шаклланиши ва ҳисобга олиниши тизимида ўзгаришлар юз бергани, айрим объектлар ва бандлар билан бдғлиқ ўзгаришлар бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли регистрлари мундарижасини ҳамда уларда ҳўжалик операцияларини акс эттиришга ёндашувни қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо қилди. Ушбу тавсияномаларнинг муаллифлари бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли принциплари ва хусусиятларини асос қилиб олиб, Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби меъёрларига мос келадиган ҳисобга олиш регистрлари шакллари ишлаб чиқишди, улардан фойдаланишга доир тушунтиришлар беришди.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли (формаси) корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига доир бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисобварақлар режаси асосида ишлаб чиқилган ва ҳисобга олишни иккилик тизимда юритадиган барча мулкчилик шаклларидаги корхоналарда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг бу шакли бухгалтерия ҳисобининг барча бўлимлари бўйича маблағлар ва ҳўжалик операцияларини таҳлилий (аналитик) ва жамлама (синтетик) ҳисобга олишни таъминлашни кўзда тутилган ҳолда бирламчи ҳужжатлар маълумотларини тўплаш таъминлиги асосланган.

Бирламчи ҳужжатлар маълумотларини тўплаш ва тартибга солиш ҳисобга олиш регистрларида амалга оширилади; булар ҳисобот оyiда ҳисобга олиниши лозим бўлган маблағларни ҳамда шу маблағлардан фойдаланишга доир барча ҳўжалик операцияларини акс эттиришга имкон беради. Бу ҳол мемориал ордерлар (нақд пулсиз кириш-чиқим ордерлари) тузиш заруриятидан овоз қилади.

Ҳўжалик операцияларини саналар бўйича (хронологик) ва изчил тарзда (систематик) қайд қилиб бориш ҳўжалик айланма (оборот)ларини саналар бўйича қайд қилиш дафтариини тутмасдан бир йўла амалга оширилади.

Йиғма (жамғарув) регистрларга қилинадиган қайдлар корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш, шунингдек ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботларни тузиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар доирасида амалга оширилади.

Таҳлилий ва жамлама ҳисобга олиш ягона қайдлар тизимида бажарилади. Таҳлилий ҳисобга олиш варақчалари (карточкалари) шахсий ҳисобварақлар сони кўп бўлган баъзи ҳисоб-китоб турлари бўйича истисно тарзда юритилиши мумкин. Асосий воситалар объектларини, номоддий активларнинг йўқлама (инвентарь) варақчала-

ри ёки ҳисобга олиш дафтарлари, калькуляцияланадиган объектлар бўйича ишлаб чиқаришга кетган чиқимларни ҳисобга олиш варақчалари ёки қайдномалари сақланиб қолади. Шунга мувофиқ равишда айланма (оборот) қайдномалари фақат таҳлилий ҳисобга олиш варақчалари юритиладиган ҳисоб-китоблар юзасидангина тузилади. Материаллар ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш сорт (нав) сальдо қайдномалари сақланади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида қуйидаги бухгалтерия регистрлари қўлланилади: журнал-ордерлар, қўшимча қайдномалар ва ишланма жадваллар.

Журнал-ордерлар бухгалтерия ҳисобининг асосий регистрлари ҳисобланади. Талаб қилинадиган кўрсаткичларни таҳлилий ҳисобга олишни бевосита журнал-ордерларда бажаришни таъминлаш мураккаб бўлган ҳолларда қўшимча қайдномалар қўлланилади. Бундай ҳолларда бирламчи ҳужжатлар маълумотлари олдин қайдномаларда гуруҳланади, кейин журнал-ордерларга кўчирилади. Баъзи ҳисобга олиш маълумотларини умумлаштириш ёки гуруҳлаш техникасини такомиллаштириш учун маҳсус ишланма жадваллар қўлланилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли намунавий регистрлари таркиби қуйида келтирилади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ЖУРНАЛ-ОРДЕР ШАКЛИНИНГ НАМУНАВИЙ РЕГИСТРЛАРИ ТАРКИБИ

Регистрлар			Номи ва вазифаси	Регистр қандай ҳисобга олиш даври учун муължалланган
журнал-ордерлар-ники	№№	қайдномаларники		
Пул маблағлари, банк кредитлари ва заёмларни ҳисобга олиш				
1	-	-	50- "Касса" ҳисобварағи кредити бўйича	Бир ойга
-	1	-	50- "Касса" ҳисобварағига тегишли қайднома (журнал-ордер орқасида жойлашган)	
2	-	-	51- "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи кредити бўйича	
-	2	-	51- "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағига тегишли қайднома (журнал-ордер орқасида жойлашган)	
3	-	-	Бошқа пул маблағлари ҳисобварақлари кредити бўйича (55- "Банкдаги махсус ҳисобварақлар", 56- "Пул ҳужжатлари", 57- "Йулдаги Утказмалар", 58- "Қисқа мuddатли молиявий маблағ сарфлашлар")	
4	-	-	90- "Банкларнинг қисқа мuddатли кредитлари", 92- "Банкларнинг узоқ мuddатли кредитлари", 93- "Банкларнинг ходимлар учун кредитлари", 94- "Қисқа мuddатли заёмлар", 95- "Узоқ мuddатли заёмлар ҳисобварақлари кредити бўйича"	
Ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш				
6	-	-	60- "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пулдратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити бўйича	

Регистрлар			Номи ва вазифаси	Регистр қандай ҳисобга олиш даври учун мўлжалланган
№№	қайдномаларники	2		
1	журнал-ордерларники	2	3	4
7			71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити бўйича	
8			09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид мажбуриятлар", 19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи", 61-"Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар", 69-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар", 64-"Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар", 67-"Бюджетдан ташқари туловлар бўйича ҳисоб-китоблар", 88-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар", 73-"Ҳодимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар", 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар", 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар", 78-"Шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар", 79-"Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар", 97-"Ижара мажбуриятлари" ҳисобварақлари кредити бўйича	
		7	Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси	Чорак, ярим йил ёки йил учун

Регистрлар		Номи ва вазифаси		Регистр қандай ҳисобга олиш даври учун муължалланган
№№	қайдномаларники			
1	2	3	4	
	8-а	Депонентга ўтказилган иш ҳақини ҳисобга олиш дафтари		Бир йилга
Ишлаб чиқаришга ва маҳсулотни сотишга кетган чиқимларни ҳисобга олиш				
10		<p>02-"Асосий воситаларнинг эскириши", 05-"Номоддий активларнинг эскириши", 10-"Материаллар", 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар", 13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши", 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 21-"Узи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар", 23-"Ердамчи ишлаб чиқаришлар", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари", 28-"Ишлаб чиқаришдаги брак", 31-"Келгуси даврлар харажатлари", 65-"Мулкӣй ва шахсий сугурта буйича ҳисоб-китоблар", 69-"Ижтимоий сугурта буйича ҳисоб-китоблар", 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш буйича ҳисоб-китоблар", 84-"Бойликларнинг ишдан чиқishi натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварақлари кредити буйича</p>		Бир ойга
	10	Омборлардаги моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаси (бештадан ортққ омборлари бор корхоналар учун)		
		Омборлардаги моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаси (бештадан кам омборлари бор корхоналар учун)		

Регистрлар		Номи ва вазифаси	Регистр қандай ҳисобга олиш даври учун мулжалланган
журнал-ордерларники	№№ қайдномаларники		
	11	Моддий бойликларнинг (ҳисобга олиш нархлари бўйича) цехлар ва цех омборхоналари бўйича ҳаракати қайдномаси	Бир ойга
	12	Цехлар бўйича умумий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси	
	Тайёр маҳсулот, товарларни юклаб жўнатиш ва сотишни ҳисобга олиш		
11		40- "Тайёр маҳсулот", 26- "Давр харажатлари", 45- "Юклаб жўнатишган товарлар", 46- "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши", 47- "Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши", 48- "Бошқа активларнинг сотилиши", 62- "Харидорлар ва буортмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари, кредити бўйича	Бир ойга
	15	Давр харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси	
	16	Тайёр маҳсулотларни, тайёр маҳсулот ва моддий бойликларнинг юклаб жўнатилиши ҳамда сотилишини ҳисобга олиш қайдномаси	

Регистрлар		Регистр қандай ҳисобга олиш даври учун мўлжалланган
№№	Номи ва вазифаси	
журнал-ордерларники	қайдномаларники	
Устав капитал (сармояс), тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), фондлар ва захиралар, мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушувларни ҳисобга олиш		
12	85-"Устав сармояс", 86-"Захира фонди", 87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)", 89-"Набатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари", 96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушувлар" ҳисобварақларининг кредити бўйича	Бир ойга
Асосий воситалар, номоддий активлар ва капитал маблағ сарфлашларни (қўйимларни) ҳисобга олиш		
13	01-"Асосий воситалар", 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар", 04-"Номоддий активлар", 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар", 07-"Урнатиладиган ускуналар", 08-"Капитал маблағ сарфлашлар", 30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварақлари кредити бўйича Капитал маблағ сарфлашлар бўйича чиқимларни ҳисобга олиш қайдномаси	Бир ойга
	18	Бир ойга
	18-1	
Фойдалар ва зарарларни, фойда (даромад)га ҳисобланган ва тўланган солиқларни, келгуси даврлар даромадларини ҳисобга олиш		
15	80-"Фойдалар ва зарарлар", 81-"Фойда (даромад)лар учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар", 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварақлари кредити бўйича	Бир ойга

ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАДВАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

шакл. т.р.	Ишлаб чиқиш жадвалларининг номи ва вазифаси	Регистр қандай ҳисобга олиш даври учун мўлжалланган
1	Иш ҳақи ва материаллар сарфини тақсимлаш (иш ҳақи ва материалларга доир ҳужжатлар бевосита ҳисобда ишлаб чиқариладиган, ҳисобга олиш марказлаштирилмаган корхоналар учун)	Бир ойга
2	Иш ҳақини тақсимлаш	"-"
3	Ишчилар ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларга доир маълумотлар	"-"
4	Ходимларнинг таркиби ва тоифалари бўйича ҳисобланган иш ҳақига доир маълумотлар	"-"
5	Ходимларнинг таркиби ва тоифалари бўйича ҳисобланган иш ҳақига доир маълумотлар ҳамда ходимлар билан ҳисоб-китобларга доир маълумотлар (3 ва 4-жадваллар ўрнига)	"-"
6	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизациясини ҳисоблаш	"-"
8	Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскиришини ҳисоблаш	"-"
9	Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар хизматларини тақсимлаш	"-"
11	Берилмаган иш ҳақи реестри (депонентланган иш ҳақини ҳисобга олиш дафтари - 8ф-шакл ўрнига қўлланилиши мумкин)	"-"
12	Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни таҳлилий ҳисобга олиш варақаси	"-"
13	Варақ-расшифровка	"-"
14	Бухгалтерия маълумотномаси	"-"
15	Архив учун маълумотнома	"-"

Журнал-ордерлар ва қўшимча қайдномаларни тузишда хўжалик операцияларини жамлама (синтетик) ҳисобварақлар бўйича қайд қилишнинг кредит аломати асос қилиб олинган. Жамлама ҳисобга олиш бирламчи ҳужжатлар маълумотлари бўйича фақат тегишли ҳисобварақларнинг кредити бўйича дебетланадиган ҳисобварақлар билан ўзаро боғлиқликда олиб борилади.

Истисно тариқасида касса операциялари, банкдаги ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларига доир операциялар шу операцияларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақларнинг кредити бўйича ҳам, дебети бўйича ҳам қайд қилинади. Бу - турли журналлар-ордерларга қайд қилишда касса ва банк ҳужжатларининг албоқаси узилиб қолмаслиги учун зарур.

Кредит айланма (оборот)лари 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 52-"Валюта ҳисобварағи" ҳисобварақлари дебети билан боғлиқликда акс эттириладиган журнал-ордерларда қайдлар такрорланиб қолмаслиги учун улар, одатда, тегишли қайдномалар маълумотлари бўйича ойлик якун тарзида амалга оширилади.

Журнал-ордерларнинг якун тарзидаги маълумотлари ой охирида Бош дафтарга кўчирилади. Шахмат назорат қайдномаси (шахмат баланси), шунингдек айланма (оборот)лар баланси юритилмайди. Сальдо баланси Бош дафтар маълумотлари бўйича тузилади; зарур ҳолларда ҳисобга олиш регистрларидан айрим кўрсаткичлар ҳам олинади.

Ҳисобга олиш маълумотларини кредит аломати бўйича қайд қилиш тамойилига мувофиқ ҳар қайси жамлама ҳисобга олиш кредити бўйича ёзувлар (дебетланадиган ҳисобварақлар билан боғлиқликда) бирон-бир журнал-ордерга тўлиқ қайд қилинади. Тегишли жамлама ҳисобварақ бўйича дебет оборотлари турли журнал-ордерларга улар билан боғлиқликдаги ҳисобварақлар кредити бўйича ёзувларни қайд қилиш мобайнида аниқланади. Якуний маълумотлар барча журнал-ордерлардан Бош дафтарга кўчириб бўлинганидан сўнг ундан ҳар қайси ҳисобварақ дебети бўйича маълумотлар аниқланади.

Жамлама ва таҳлилий ҳисобга олишлар биргаликда, ягона регистрда амалга ошириладиган ҳисобварақлар бўйича дебет оборотлари шу ҳисобварақлар кредити бўйича ёзувлар қайд қилинадиган журнал-ордерларда ҳам акс эттирилади. Жамлама ва таҳлилий ҳисоб амалга ошириладиган журнал-ордерларда икки бўлим мавжуд: бири - ҳисобварақ кредитига доир операцияларни қайд қилиш учун (журнал-ордернинг ўзи), иккинчиси - таҳлилий ҳисоб кўрсаткичларини акс эттириш учун.

Журнал-ордерлар шундай тузилганки, уларда иқтисодий мазмуни жиҳатдан бир хил бўлган операциялар; шунингдек ҳисоб бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган операциялар акс эттирилади. Шунинг учун баъзи журнал-ордерлар ўз иқтисодий мазмуни жиҳатдан бир хил бўлган бир нечта жамлама ҳисобварақлар кредитига доир операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган. Бу ҳолда уларнинг ҳар қайсиси учун регистрда бўлим ёки устун ажратилган.

Бирламчи ҳужжатлар маълумотларини тўғри гуруҳлашни таъминлаш учун журнал-ордерларда ҳисобварақлар кредити бўйича бирдек боғланиш (корреспонденция) ҳамда ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботлар учун зарур бўлган кўрсаткичлар рўйхати кўзда тутилган. Жамлама ва таҳлилий ҳисобга олиш учун мўлжалланган журнал-ордерларда бундан ташқари таҳлилий ҳисобга олишнинг зарур бандлари (моддалари) ҳам кўзда тутилган.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклини тузишга қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинган:

- журнал-ордерларга ёзувларни қайд қилишда операцияларни фақат ҳисобварақ кредити бўйича дебетланадиган ҳисобварақлар билан боғлиқликда қайд қилиш тартибига риоя қилиш;

- одатда, жамлама ва таҳлилий ҳисобга олиш қайдларини бир тизимга бирлаштириш;

- бухгалтерия ҳисобида ҳужалик операцияларини акс эттиришга назорат қилиб туриш ҳамда жорий ва йиллик ҳисоботлар тузиш талаб қилинадиган кўрсаткичлар нуқтаи назаридан ёндашиш;

- ҳисоб ва иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган ҳисобварақлар бўйича бирлаштирилган журнал-ордерларни қўлланиш;

- ҳисобварақларнинг боғлиқлиги, таҳлилий ҳисобга олиш моддалари номенклатураси олдиндан кўрсатилган кўрсаткичлари жорий ва йиллик ҳисоботни тузишни талаб қиладиган регистрларни қўлланиш;

- ойлик журнал-ордерларни қўлланиш.

Регистрлардаги қайдлар - операциянинг тарзи ва мазмунига қараб - ҳужжатлар тушган сари ёки ой якуналари бўйича амалга оширилади.

Маълумотлари журнал-ордерларга ва қайдномаларга киритилган ҳужжатларда тегишли регистрларнинг рақамлари ва қайднинг тартиб рақами (сатр рақами) кўрсатилади.

Журнал-ордерлардаги якуний қайдларни шу қайдлар кўчириб олинган бирламчи ҳужжатлар маълумотларига албатта солиштириб кўриш лозим. Шундай қилинса, ҳужжалик операцияларининг тўғри ҳисобга олиниши ри-соладагидек назорат қилинган бўлади. Ҳисобга олиш қайдлари бошқа регистрларнинг кўрсаткичлари билан солиштириб кўриш йўли орқали назорат қилиб бўлмайдиган журнал-ордерларда ҳисобварақ кредити бўйича умумий якун бирламчи ҳужжатлар бўйича суммаларни ҳисоблаш асосида қўйилади. Ҳужжатлар бўйича якуний маълумотлардан айрим ўзаро боғланувчи ҳисобварақлар бўйича журнал-ордерда олинган натижаларни текшириш учун фойдаланилади.

Тегишли журнал-ордерлар ёки қайдномаларда таҳлилий ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлар дебетиға ёзиладиган суммалар илова ҳисобварақлар ёки таҳлилий ҳисоб моддалари бўйича расшифровка қилинади (изоҳланади) ва гуруҳланади.

Бундай расшифровка (изоҳлаш) дебет аломати бўйича тузиладиган махсус варақ-расшифровкаларда амалга оширилади; булар дебет аломати бўйича тузилади: таҳлилий гуруҳлашни талаб қиладиган ҳар бир дебетланадиган ҳисобвараққа алоҳида варақ-расшифровка очилади. Агар

айни ҳисобварақ дебетиға бир журнал-ордерға жамланган ёки ҳар хил журнал-ордерларға жойлаштирилган, лекин битта ҳисобчи ходим юритадиган бир неча ҳисобварақ кредити суммалари тегишли бўлса, гуруҳлаш битта варақ-расшифровкаға қилинади.

Бундай варақ-расшифровкалар касса, ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақлари бўйича дебет оборотларни ҳисобга олиш қайдномаларига ҳам тузилади.

Варақ-расшифровкалардаги қайдлар бир турдаги ҳужжатлар маълумотлари бўйича, бир кунлик ёки узоқроқ давр натижалари бўйича, зарур ҳолларда эса баъзи бир ҳужжатлар маълумотлари бўйича операциялар мазмунини қисқача тушунтирган ҳолда амалга оширилади.

Ҳисобот оғи тугагандан сўнг тўлдирилган варақ-расшифровкалар тегишли ҳисобварақлар бўйича таҳлилий маълумотлар акс эттирилиши лозим бўлган ордер-журналларни юритувчи ходимга берилади. Варақ-расшифровкалар маълумотлари регистрларға қайд қилинганидан сўнг улар шу регистрларни тўлдириш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатларға кўшиб қўйилади.

Таҳлилий маълумотлар қайд қилинадиган журнал-ордерлардаги қайдлар ой якунлари бўйича қилинади. Талаб қилинадиган маълумотлар асосида гуруҳлаб чиқилган тегишли ҳужжатлар бўйича суммаларни ҳисоблаб чиқиб ой якунлари аниқланади.

Барча регистрларда улар тўлдириладиган ой, зарур ҳолларда эса таҳлилий ҳисобварақларнинг номлари ҳам кўрсатилади. Ой охирида регистрларға қайдларни амалга оширган шахслар ва қорхона бош бухгалтери ёки бошқа ваколатли шахс имзо чекади.

Зарур маълумотлари Бош дафтарға ёки бошқа регистрларға кўчириладиган регистрларға бу ҳақда тегишли белги қўйилади.

Якунлар қўйилгунга қадар регистрларда аниқланган тузатишлар қуйидаги тартибда киритилади: нотўғри қайд қизил сиёҳ билан ўчирилади, тўғри сумма эса ҳалиги ўчирилган сумма юқорисига қора сиёҳ билан ёзиб қўйилади. Агар хато журнал-ордерға якунлар чиқарил-

гандан сўнг, бироқ яқунларни Бош дафтарга ёзишдан олдин аниқланса, тузатиш журнал-ордерда яқунлардан кейин кўзда тутилган бўш сатрлар ёки катакларга тузатиб ёзилиши лозим.

Бош дафтарга яқунлар қайд қилингандан сўнг уларга ҳеч қандай тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди. Оборотларга киритиладиган зарур аниқликлар махсус тузиладиган бухгалтерия маълумотномаси билан расмийлаштирилади. Маълумотнома маълумотлари Бош дафтарга алоҳида қайд қилинади. Ўтган даврларга тааллуқли операциялар бўйича жорий ойда оборотларга киритиладиган ўзгаришлар журнал-ордерларда қўшимча қайдлар билан акс эттирилади (оборотларнинг камайиши қизил сиёҳ билан ёзилади).

Бош дафтар журнал-ордерлар маълумотларини умумлаштириш, айрим ҳисобварақлар бўйича қилинган қайдларнинг тўғрилигини текшириш ва ҳисобот балансини тузиш учун фойдаланилади. Бош дафтарда ҳар қайси ҳисобварақ бўйича бошланғич сальдо, жорий оборотлар ва ҳар қайси жамлама ҳисобварақ бўйича чиқиш сальдоси кўрсатилади. Бош дафтардаги ёзувлар айни пайтда журнал-ордерларда акс эттирилган ҳисобга олиш маълумотларини қайд қилиш (рўйхатга олиш) ҳам ҳисобланади.

Бош дафтарда жорий оборотлар фақат биринчи тартибли ҳисобварақлар бўйича келтирилади. Ҳар қайси жамлама ҳисобварақ кредити бўйича оборотлар битта қайд билан, дебети бўйича оборотлар эса кредитланаётган ҳисобварақлар билан боғлиқликда акс эттирилади.

Бош дафтарда қилинган қайдларнинг тўғрилиги барча ҳисобварақлар бўйича оборотлар суммаси ва сальдо суммасини ҳисоблаб кўриб текширилади. Дебет ва кредит оборотлари суммалари, шунингдек дебет ва кредит сальдо суммалари тегишлича тенг бўлиши лозим.

Бош дафтар бир йилга очилади. Ҳар бир ҳисобвараққа бир ёки икки варақ ажратилади. Агар икки варақ очилса, иккинчи варақ асосий вараққа қўшимча сифатида ишлатилади.

-ХИСОВАРАҚНИНГ БОШ ДАФТАРИ

(Хисоварақ номи)

Ой	Дебет буйича оборотлар											
	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан	-сонли журнал- ордер буйича Хисоварақ кредитидан
1/1 га қолдиқ												
январь												
февраль												
март												
апрель												
май												
июнь												
июль												
август												
сентябрь												
октябрь												
ноябрь												
декабрь												
1/1 га қолдиқ												

TEAI KUTURUYNASI
355348

I. БАНКЛАРНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА КРЕДИТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

1.1. Касса операцияларини ҳисобга олиш

Нақд пулларни қабул қилиб олиш ва бериш, кириш ва чиқим ҳужжатларини расмийлаштириш, касса дафтари-ни юритиш касса операциялари тўғрисида ҳисобот ту-зиш ишлари ЎзР Марказий банки 1996 й. 20 апрелда 9-сон билан тасдиқлаган Халқ хўжалигида касса опера-цияларини юритиш тартибига мувофиқ бажарилади.

50-“Касса” ҳисобварағида акс эттириладиган касса операцияларини ҳисобга олиш учун 1-журнал-ордер ва унга тегишли 1-қайднома жорий қилинган.

Бу журналга ва қайдномага қилинадиган қайдлар бир кунлик якунлар учун кассирнинг ҳисоботлари ҳамда тас-диқланган ва уларга илова қилинган ҳужжатларга асос-ланади.

Агар касса ҳужжатларининг сони унча кўп бўлмаса (умумий сумма 50 сўм ва бундан кам бўлса), операция-ларни регистрларга ҳар куни эмас, балки 3-5 кунда бир марта, умуман кассирнинг бир неча ҳисоботи бўйича қайд қилишга рухсат берилади. Бу ҳолда “Сана” катагига қайдлар қилина бошлаган ва тутаган кунлар, масалан, 1-3, 15-17 ва ҳоказо кўрсатилади.

Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари доираси-даги бир кунлик (бир неча кунлик) натижалар кассир ҳисоботида ёки ҳужжатларга олдиндан қилинган бухгалтерия қайдига мувофиқ касса ҳисоботида ёки унга илова қилинган ҳужжатларда акс этган бир турдаги операция-лар суммасини ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади.

Кассадаги маблағлар қолдиғи қайдномада фақат ой боши ва охири учун келтирилади. Бутун ой мобайнида назорат қилиш ва оператив мақсадларда кассир ҳисо-ботларида кўрсатилган маблағлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

1-ЖУРНАЛ-ОРДЕР
 "50-"Касса" ҳисобварағи кредити бүйица
 199__ й. _____ учун.

Корхона

Сатр т.р	Сана ёки кунлар	Операция мазмуни	50-ҳисобварақ кредитидан ҳисобварақлар дебетиға							50- "Касса" ҳисоб- варағи кредити бүйица жами	
			51- Ҳисоб- китоб ва- рағи	69-Ижти- мой сугурта бүйица ҳисоб- китоблар	70-Ходим- лар билан меҳнатта ҳақ тўлаш бүйица ҳисоб- китоблар	71- Ҳисоб- дор шахслар билан ҳисоб- китоблар	75- Муас- сислар билан ҳисоб- китоблар	76- Турли дебитор- лар ва кредитор- лар билан ҳисоб- китоблар	№ _____ № _____		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
Жами											

Сатр т.р	Сана. ёки кунлар	Операция мазмуни	Ҳисобварақлар кредитидан 50- "Касса" ҳисобварағи дебетига										50- "Касса" ҳисоб- варағи кредити бўйича жами
			46- Сотиш	51- Ҳисоб- китоб варағи	70- Ходимлар билан меҳнатта ҳақ тулаш бўйича ҳисоб- китоблар	71- Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб- китоблар	73- Ходимлар билан бошқа операция- лар бўйича ҳисоб- китоблар	75- Муас- сислар билан ҳисоб- китоблар	76- Турли дебитор- лар ва креди- торлар билан ҳисоб- китоблар	56- Пул хужжат- лари	№	12	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
1													
2													
3													
4													
5													
6													
7													
8													
9													
10													
Жами													

Ой охиридаги сальдо

Журнал-ордер ва қайднома тугалланди 19__ йил " __ " _____

Варақ-расшифровкалар ва сальдо маълумотлари текширилди " __ " _____
 Бош дафтарда оборотлар суммалари акс эттирилди 19__ йил " __ " _____
 Ижрочилар _____ Бош бухгалтер _____

1.2. Банкдаги ҳисоб-китоб варағига доир операцияларни ҳисобга олиш

51-“Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварағида акс эттирилган операцияларни ҳисобга олиш учун 2-журнал-ордер ва унга тегишли 2-қайднома жорий қилинган. Бу журнал-ордер ва қайдномадаги қайдлар ҳисоб-китоб варағи бўйича банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар асосида ёзилади.

Журнал-ордер ва қайдномада зарур яқунларни акс эттириш учун суммаларни гуруҳлаб чиқиш иши кўчирмалар ёки уларга илова қилинган ҳужжатлардаги тегишли маълумотларни уларда келтирилган бухгалтерия қайдлари асосида ҳисоблаш йўли билан бажарилади. Ҳисобварақларнинг боғланиши банк кўчирмаларида ҳам, ҳужжатларда ҳам кўрсатилади. Банк нотўғри кўчириб ёзган суммалар 63-“Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи дебети бўйича ҳисобга олишда акс эттирилади. Банк нотўғри ҳисобга ёзган суммалар 76-“Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредити бўйича ҳисобга олишда акс эттирилади.

Банкдаги ҳисоб-китоб варағида акс этган маблағ қолдиқлари қайдномада фақат ой боши ва охири учун келтирилади. Бутун ой мобайнида оператив мақсадлар учун банк кўчирмаларида кўрсатилган маблағлар қолдиқлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Бир кўчирма бўйича операцияларни акс эттириш учун ҳисобга олиш регистрларида битта сатр (қатор) ажратилади.

Қорхонанинг банкдаги валюта ҳисобварағи (52-“Валюта ҳисобварағи”) бўйича операциялар ҳам худди шу тартибда ҳисобга олинади:

2-ЖУРНАЛ-ОРДЕР
51-хисоб-китоб вақри кредити буйича
199 й. учун

сатр т.р.	51-хисобварағи кредитидан ҳисобварақлар дебетига										76- Тур- ли де- би- тор- лар ва кре- ди- тор- лар би- лан ҳ.к.	№	№	51-- Хи- соб- ва- рақ кре- ди- ти бў- йи- ча жа- ми											
	55- Банк- даги маҳ- сус хи- соб- ва- рақ- лар	60- Маҳ- су- лот ка- зиб- бе- рув- чи- лар луд- рат- чи- лар би- лан ҳ.к.	61- Бе- рил- ган бу- нақ- лар бу- йича ҳ.к.	62- Ха- ри- дор- лар ва бу- юрт- ма- чи- лар би- лан ҳ.к.	66- Бюджет билан ҳисоб-китоблар	67- Бюджетдан ташқ. туловлар буйича ҳ.к.	69- Сугурта буйича ҳ.к.	20	21	22					23	24	25	26							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26
1		Бил- ган са- на	Ту- лов хуж. ра- ка- ми	Таш- ки- зи- лот но- ми	Ни- ма- га ту- лан- ган	50- Кас- са																			
1																									
2																									
3																									
4																									
5																									
6																									
7																									
8																									
9																									
10																									
Жа- ми																									

2-ҚАЙДНОМА

Ой бошдағы
сальдо

199_ж. _____ учун

Корхона _____

Қайд т.р.	Ёзил- ган сана	Тўлов хуж. рақа- ми	Жўна- тувчи ташки- лот номи	Нима учун олин- ган	51-ҳисобварақ дебетиغا қуйдаги ҳисобварақлар кредитидан						№ _____	№ _____	51- Хисоб- варақ дебети бўйича жами
					46- Маҳсулот (ишлар, хизмат- лар)нинг сотили- ши	50- Касса	60- Маҳсу- лот етказиб берув- чилар ва пудрат- чилар билан ҳ.к.	62- Хари- дорлар ва буырт- лар мачи- лар билан ҳ.к.	64- Олин- ган буынак- лар бўйича ҳисоб- китоб- лар	76- Турли деби- торлар ва креди- торлар билан ҳисоб- китоблар			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1													
2													
3													
4													
5													
6													
7													
8													
9													
10													
Жами													

Журнал-ордер ва қайднома тугади 199_й. _____ да _____ Ой охиридаги сальдо _____

Варақлар-расшифровкалар маълумотлари ва сальдо солиштирилган.
Бош дафтарда оборотлар суммаси акс эттирилди. 199_й. _____ Бош бухгалтер _____
Ижрочи _____

1.3. Банкларнинг махсус ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағларни ҳамда бошқа пул маблағларини ҳисобга олиш

55-“Банклардаги махсус ҳисобварақлар”, 56-“Пул ҳужжатлари”, 57-“Йўлдаги ўтказмалар”, 58-“Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар” ҳисобварақлари кредити бўйича акс эттириладиган операцияларни ҳисобга олиш учун 3-журнал-ордер жорий қилинган.

Унда кассир ҳисоботлари, банк кўчирмалари маълумотлари бўйича таҳлилий ҳисобга олиш ишлари ҳам амалга оширилади.

55-, 56-, 57-, 58-ҳисобварақлар бўйича журнал-ордерга қилинадиган қайдлар ўзаро боғланувчи ҳисобварақлар доирасида амалга оширилади.

50-“Касса”, 51-“Ҳисоб-китоб варағи” ва 52-“Валюта ҳисобварағи” ҳисобварақлари дебети билан боғлиқликда акс эттириладиган суммалардан ташқари ҳисобварақлар кредитига доир оборотлар журнал-ордерга бирламчи ҳужжатлар бўйича қайд қилинади. 50-, 51- ва 52-ҳисобварақлар дебети ҳисобига ёзиладиган суммалар 1-ва 2-қайдномалар маълумотлари асосида ой яқунлари тарзида акс эттирилади.

55- "Банклардаги махсус ҳисобварақлар", 56- "Пул ҳужжатлари", 57- "Йулдаги ўтказмалар", 58- "Қисқа мuddатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварақлари кредити бўйича
3—ЖУРНАЛ—ОРДЕР

Сатр Т.р.	Ёзилган сана	Ҳужжат рақами	Опера- ция мазмуни	Ой боши- даги саль- до	Дебет бўйича оборотлар		50- Касса	51- Ҳисоб- китоб варағи	55-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига		55- Ҳисоб- варақ креди- ти бўйича жами	Ой охир- даги сальдо
					боғла- нувчи (корр.) ҳисоб- варақ	сумма			60- Махсу- лот етка- зиб берув- чилар ва пудрат- чилар билан Ҳ.к.	№ _____		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												
9												
10												
Жамиг												

3-журнал-ордер давоми

Сатр т.р.	Езил- ган сана	Хуж- жат ра- қаи	Опе- ра- ция маз- му- ни	Ой боши- даги саль- до	Дебет бүйича оборотлар		56-ҳисобварак кредитидан куйидаги Ҳисобваараклар дебетига									
					6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
					богла- нувчи Ҳисоб- варақ	сум- ма	71- Ҳи- соб- дор шахсл би- лан Ҳ.к.	75- Муас- сис- лар билан Ҳ.к.	73- Ходим- лар билан опера- циялар буйича ходим- лар билан Ҳ.к.	84- Бой- лар- нинг ишдан чиқиши натиха- сидаги камор- мадлар ва йўқо- тишлар	85- Ус- тав сар- мой- си	76- Тур- ли де- би- тор- лар ва кре- ди- тор- лар бил- лан Ҳ.к.	№ _____	№ _____	56- Ҳи- соб- ва- рак кре- дита бў- йича жами	Ой охи- ри- даги саль- до
1																
1																
2																
3																
4																
5																
6																
7																
8																
9																
10																
Жами																

3-журнал-ордер давоми

Сатр. Т.Р.	Эйл- ган сана	Хуж- жат ра- қаи	Опе- ра- ция маз- муни	Ой бо- ши- даги саль- до	57-хисобварақ кредитидан хисобварақлар дебетиға						96- Мақ- садли маб- лаф би- лан таъ- мин- лаш ва ту- шум- лар	№	57- Хи- соб- варақ кре- дiti буйи- ча жами	Ұ.	
					48- Бош- қа ак- тив- лар- нинг соти- лиши	50- Каса	51- Хи- соб- китоб вара- ғи	52- Валю- та хи- соб- вара- ғи	64- Олин- ган бү- нак- лар буйи- ча ҳ.к.	11					12
Дебет буйича оборотлар					6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1															
2															
3															
4															
5															
6															
7															
8															
9															
10															
Жами															

Сатр т.р.	Ёзил- ган сана	Хуж- жат рақами	Опе- рация маз- муни	Ой боши- даги сальдо	Дебет бўйича оборотлар				58-ҳисобварақ кредитидан кўйидаги ҳисобварақлар дебетига				58- Ҳисоб- варақ креди- ти бўйича жами	Ой охир- даги сальдо
					боғ- ланув- чи ҳисоб- варақ- лар	сум- ма	51- Ҳисоб- китоб варағи	52- Валю- та ҳисоб- варағи	76- Турли деби- торлар ва креди- торлар билан х.к.	80- Фой- далар ва зарар- лар	26- Давр хара- жатлар	№		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1														
2														
3														
4														
5														
6														
7														
8														
9														
10														
Жами														

Журнал-ордер 199 й. " " да тугади
 Варақ-расшифровкалар маълумотлари ва чиқарилган сальдо солиштирилган
 Бош дафтарда оборотлар суммаси акс эттирилди " " 199 й.
 Ижро этувчилар: _____ Бош бухгалтер _____

1.4. Банкларнинг кредитлари ва қарз (заём)ларни ҳисобга олиш

90-”Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари”, 92-”Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари”, 93-”Банкларнинг ходимлар учун кредитлари”, 94-”Қисқа муддатли заёмлар” ва 95-”Узоқ муддатли қарзлар” ҳисобварақларида акс эттириладиган операциялар 4-журнал-ордерда ҳисобга олинади.

Унда шу ҳисобварақлар бўйича кредит оборотлари ўзаро боғловчи вакиллик ҳисобварақлари доирасида айтиб ўтилган кредитлар ва қарз (заём)ларга доир таҳлилий маълумотлар билан бирга акс эттирилади.

90-, 92-, 93-, 94-ва 95-ҳисобварақлар бўйича кредит оборотлари, кредитлар бўйича ой охиридаги сальдо 4-журнал-ордерда банк кўчирмалари асосида таҳлилий нуқтаи назардан қайд қилинади. Бунда ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича суммалар кўчирма асосида яхлит кўрсатилади.

90- "Банкларнинг қисқа мuddатли кредитлари", 92- "Банкларнинг узоқ мuddатли кредитлари", 93- "Банкларнинг ходимлар учун кредитлари", 94- "Қисқа мuddатли заёмлар", 95- "Узоқ мuddатли заёмлар" ҳисобварақлари кредити буйича
4-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

Бош дафтар буйича 90-ҳисобвараққа доир ой бошидаги сальдо _____

Сатр т.р.	Банк кучирмаси санаси (ёки у қандай вақт учун берилган)	Оле-рация мазмуни	Ой бошидаги сальдо	Дебет буйича оборотлар		90-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига										90-ҳисобварақ кредити буйича жами	Ой охиридаги сальдо
				Бор-лагувчи (корр.) ҳисобварақлар	50-Касса	51-Ҳисобварақ	55-Банклардаги бошқа ҳисобварақлар	60-Маҳсулот-етказиб бериувчилар ва пуд-ратчилар билан ҳ.к.	63-Эътирозлар буйича ҳисоб-тоблар	61-Бегрилан бўлаклар буйича ҳисоб-китоблар	68-Бюджет билан ҳисоб-китоблар	76-Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳ.к.	№ _____				
														7	8		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	
1																	
2																	
3																	
4																	
5																	
6																	
7																	
8																	
9																	
10																	
Жами																	

Банк кучирмасига мувофиқ 90-ҳисобварақ дебити буйича оборотлар _____
90-ҳисобварақ буйича ой охиридаги сальдо _____

Бош дафтар буйича 92-ҳисобвараққа доир ой бошидаги сальдо _____

	Банк кучир-маси санаси (ёки у қандай вақт учун берилган)	Операция мазмуни	Ой бошидаги сальдо	Дебет буйича оборотлар		92-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетиغا							92-ҳисобварақ кредити буйича жами	Ой охиридаги сальдо
				сумма	50-Касса	51-Ҳисоб-китоб ва рағи	60-Маҳсулот этикети берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар	68-Бюджет билан ҳисоб-китоблар	76-Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳ.к.	№ _____	12	13		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
1														
2														
3														

Банк кучирмасига мувофиқ 92-ҳисобварақ дебети буйича оборотлар _____ 92-ҳисобварақ буйича ой охиридаги сальдо _____

Баш дафтар буйича 93-хисобваараққа доир ой бошидаги сальдо

сатр т.р.	Банк кучирмасы санаси (ёки у қандай вақтта берилган)	Операция мазмуни	Ой бошидаги сальдо	Дебет буйича оборотлар		93-хисобваарақ куйидаги хисобваарақлар дебетига				93-хисоб-варақ кредити буйича жами	Ой охиридаги сальдо
				боғла-нувчи хисоб-варақ	сумма	50-Касса	51-Хисоб-китоб варағи	73-Ходимлар билан бошқа операция-лар буйича китоблар	8		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
Жами											

Бош дафтар бүйича 94-хисобвараққа доир ой бошидаги сальдо

Сатр Т.р.	Банк кү- чир- маси- саня- си (ёки у- қан- дай вақта бе- рил- ган)	Оле- рация маз- муни	Ой боши- даги саль- до	94-хисобварақ кредитидан куйидаги хисобварақлар дебетига								94- хи- соб- варақ кре- дити бүйи- ча жами	Ой охи- рида- ги саль- до			
				Дебет бүйича оборотлар:	50- Кас- са	51- Хи- соб- ки- тоб ва- рағи	55- Банк- лар- дағи бошқа хи- соб- варақ- лар	60- Маҳ- сулот етка- зиб берув- чилар ва пуд- рат- чилар билан х.к.	63- Эйти- роз- лар бүйи- ча хисоб- китоб- лар	61- Бе- рил- ган бунак- лар бүйи- ча хи- соб- ки- тоб- лар	68- Бюд- жет би- лан хи- соб- ки- тоб- лар			73- Ходим- лар билан бошқа опера- циялар бүйича ҳоказо	№	15
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
1																
2																
3																
4																
5																
6																
7																
8																
9																
10																
Жами																

Бош дафтар бўйича 95-ҳисобвараққа доир ой бошидаги сальдо

Сатр Т.р.	Банк кўчирмаси санаси (эки у қандай вақтга берилган)	Опера- ция мазму- ни	Ой боши- даги сальдо	Дебет бўйича оборотлар		95-ҳисобварақ кредитидан ҳисобварақлар дебетига							95- Хи- соб- варақ креди- ти бўйи- ча жами	Ой охир- даги сальдо
				боғла- нувчи ҳисоб- варақ	сумма	50- Касса	51- Хи- соб- китоб вара- фи	60- Маҳсулот етказиб берувчи- лар ва пудратчи- лар билан ҳисоб-ки- тоблар	68- Бюд- жет билан ҳисоб- китоб- лар	73- Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб- китоблар	№	12		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
1														
2														
3														
4														
5														
6														
7														
8														
9														
10														
Жами														

Журнал-ордер тугади 199__ й. " "
 Варақ-расшифровка маълумотлари ва сальдо солиштирилган.
 Бош китобда оборотлар сумма акс эттирилди 199__ й. " "
 Ижро этувчилар _____

Бош бухгалтер _____

2. МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Моддий бойликлар (хом ашё ва материаллар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар ҳамда арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар)ни омборхоналарда қабул қилиб олиш ва бериш, бу бойликларни омборхоналар ва бухгалтерияда ҳисобга олиш корхоналарда материалларни ҳисобга олишнинг оператив-бухгалтерия (сальдо) усулида амалга оширилади.

Моддий бойликларнинг ҳаракати бир неча журнал-ордерлар ва қайдномаларда ҳисобга олинади. Масалан, моддий бойликларнинг келиб тушиши билан боғлиқ бўлган операциялар (бойликларнинг қиймати, ташиш-тайёрлаш харажатлари ва ҳоказо), яъни 07-, 10-, 12- ва 15-ҳисобварақлар бўйича дебет оборотлари ҳусусан қуйидаги журнал-ордерларда акс эттирилади:

- маҳсулот етказиб берувчилардан тушган моддий бойликлар (60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити билан ўзаро боғлиқликдаги оборотлар) - 6-журнал-ордерда;

- ўзи ишлаб чиқарган моддий бойликлар (20-"Асосий ишлаб чиқариш" ва 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварақлари кредити билан ўзаро боғлиқликдаги оборотлар) - 10-журнал-ордерда;

- ҳисобдор шахслар сотиб олган моддий бойликлар (71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" кредити билан ўзаро боғлиқликдаги оборотлар) - 7-журнал-ордерда ва ҳоказо.

Моддий бойликларнинг ҳаракати (чиқиб кетиши), яъни моддий бойликларнинг бир жамлама ҳисобварақдан иккинчисига ўтказилиши, ишлаб чиқаришга ва қайта ишлаганга берилиши, ўз эҳтиёжларига сарфланиши, ташиқарига юклаб жўнатилиши, берилиши ва ҳоказо ёки бошқача айтганда, 10- ва 12-ҳисобварақлар бўйича кредит оборотлари 10 ва 11-журнал-ордерда, 07-ҳисобварағи кредити бўйича оборотлар эса 11-ва 13-журнал-ордерда акс этади.

Корхоналарда моддий бойликларни ҳисобга олишни ташкил қилишда бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим.

Биринчидан, моддий бойликларни жорий ҳисобга олиш ишлари ҳисобга олиш нархлари (ўртача харид нархлари, режадаги (меъерий) таннарх) бўйича ташкил қилинади. Жамлама ҳисобга олишда бу бойликларнинг амалдаги таннархи аниқланади. Бунда омборхонага келиб тушган моддий бойликларнинг амалдаги таннархи бево-сита ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш 10-“Ма-териаллар”, 12-“Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюм-лар” ҳисобварақлари дебети бўйича акс эттирилади. Мод-дий бойликлар ҳисобварақларида ташиш-тайёрлаш хара-жатлари, қайта ишлаш харажатлари ҳам 60-“Маҳсулот ет-казиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар”, 23-“Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар”, 71-“Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” ва ҳоказо ҳисобварақлар билан ўзаро боғлиқликда акс эттирилиши лозим.

Моддий бойликлар амалдаги таннархининг уларнинг ҳисобга олиш нархларидан фарқлари 16-“Материаллар-нинг қийматидаги фарқ” жамлама ҳисобварағида акс эттирилади.

Иккинчидан, корхона омборхонасига келиб тушмаган моддий бойликлар учун ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўланган сумма 60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағида таҳ-лилий ҳисобда туради. Ой охирида ҳақи тўланган, лекин келиб тушмаган моддий бойликларга тегишли суммалар материалларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисоб-варақлар дебети бўйича оборотлар сифатида ҳисобга олиш регистрларида кўрсатилади, лекин янги ой бошида ёки шу моддий бойликлар келиб тушган сари (йўлдаги материалларни ҳисобга олиш усулига қараб) бу суммалар сторноланади.

Материаллар келиб тушишини ҳисобга олишнинг бундай тартиби йўлдаги моддий бойликларга доир опе-рацияларни махсус таҳлилий ҳисобга олиш заруриятига

эхтиёж қолдирмайди. Утган ойнинг охирида йўлда деб ҳисобланган ва ҳисобот ойида келиб тушган моддий бойликларнинг келиб тушиши 60-ҳисобварақ кредити ва ишлаб чиқариш захиралари ҳисобварақлари дебети бўйича ҳисобга олишда акс эттирилади.

Учинчидан, материаллар сарфи суммаларини тақсимлаш ишлари товар-моддий бойликларнинг келиб тушиши ва сарфланиши қайдномаси бўйича омборхоналар, жамлама ҳисобварақлар, материалларни ҳисобга олиш гуруҳлари доирасида ва моддий бойликлардан фойдаланиш йўналишлари бўйича материаллар сарфи суммаларини тақсимлаш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Шу қайдномаларнинг ўзида материалларнинг амалдаги қиймати билан ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати орасидаги фарқлар ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

Моддий бойликлар ҳаракатини сақланиш жойи бўйича пул ифодасида ҳисобга олишда 10-қайднома (омборхоналар сони бештадан ортиқ бўлганда) ёки 10а-қайднома (омборхоналар сони бештадан кам бўлганда) ҳамда 11-қайднома қўлланилади.

10-қайднома (10а-қайднома) “Моддий бойликларнинг пул ифодасидаги ҳаракати” корхонада моддий бойликларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш ва уларнинг амалдаги қиймати билан ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати орасидаги фарқни аниқлаш учун мўлжалланган. У учта бўлим, иккита маълумотномадан иборат:

Биринчи бўлим - “Умумий завод омборхоналаридаги ҳаракат (ҳисобга олиш нархлари бўйича)” да моддий бойликларнинг умумий завод омборхоналаридаги ҳаракати (жамлама ҳисобварақлар ва ҳисобга олиш гуруҳлари бўйича бўлмасдан) акс эттирилади. Бўлим материалларни жамлама ҳисобга олиш йиғма қайдномалари маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Биринчи бўлим маълумотларидан омборхонада материалларни таҳвилиий ҳисобга олиш маълумотларини бухгалтерияда жамлама ҳисобга олиш маълумотлари билан мувофиқлаштириш учун фойдаланилади.

Иккинчи бўлим - “Умумий завод омборхоналарига келиб тушиш ҳамда корхона бўйича ҳисобварақлар ва талаб қилинадиган ҳисобга олиш гуруҳлари бўйича ой бошидаги қолдиқ” да жамлама ҳисобварақлар ва ҳисобга олиш гуруҳлари доирасида ой бошидаги материалларнинг келиб тушиши ва қолдиғи ҳақидаги маълумотлар бўлади. Моддий бойликларнинг келиб тушиши ҳақидаги қайдлар 1-2 кун якунлари тарзида қилинади. Қайдлар бевосита ҳужжатлар бўйича қилинганда ҳужжатларнинг рақамлари 3-катакда кетма-кетлик тартибда ёзилади. Бу ҳолда 10(10а)-қайднома айни пайтда омборхоналардан олинган кириш ордери реестри ҳам ҳисобланади.

Шу бўлимнинг ўзида маҳсулот етказиб берувчилардан қабул қилиб олинган материалларнинг режадаги (меъёрий) таннархи ёки ўртача харид нархидаги қиймати маълумот тариқасида келтирилади. Уларга қараб маҳсулот етказиб берувчилардан келиб тушган моддий бойликларнинг б-журнал-ордерда туғри акс эттирилганлиги текширилади.

Ой охирида материалларнинг умумий завод омборхоналаридаги ҳаракати, яъни корхона бўйича ички айланиш - оборот (мустақил ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланган цех омборхоналарида материалларнинг берилиши ва қайтарилиши, ишлаб чиқаришдан материалларнинг қайтарилиши, бошқа омборхоналардан келиб тушиши) аниқланади. Кириш ва чиқим бўйича ички оборот ҳақидаги маълумотлар бир-бирга монанд бўлиши лозим.

10-(10-а) - қайдноманинг иккинчи бўлими якунида материалларнинг қолдиқлари тушум билан бирга икки баҳода: ҳисобга олиш нархлари бўйича ва амалдаги таннарх бўйича белгиланади. Материалларнинг амалдаги таннархи 1-“Келиб тушган моддий бойликларнинг журнал-ордерлар маълумотларига мувофиқ амалдаги таннархи таркиби” маълумотномасида, ҳисобга олиш нархлари бўйича эса 2-“Келиб тушган моддий бойликларнинг журнал-ордерлар маълумотларига мувофиқ ҳисобга олиш қиймати” маълумотномасида белгиланади. 2-маълумотнома маълумотлари 10-қайдноманинг 1-бўлими билан

таққослаш ва ҳисобот ойида бойликларни тайёрлаш натижаларини ҳисоблаш учун хизмат қилади.

Амалдаги таннарх билан ҳисобга олиш таннархи ора-сидаги тафовутни аниқлаш учун келиб тушган ва ой бошида қолган материалларнинг амалдаги таннархи ҳисобга олиш нархларидаги қиймати билан таққосланади. Тафовутлар фоизи бўйича тафовутлар ҳисобга олиш нархларида ҳисобланган материаллар сарфи йўналишлари бўйича ва омборхонадаги қолдиққа ҳисобдан чиқарилади. Сарфланган моддий бойликларнинг амалдаги таннархи қиймати ҳам тафовутлар фоизи бўйича 10-журнал-ордерда аниқланади.

10-(10-а) қайдноманинг учинчи бўлими “Жамлама ҳисобварақлар ва талаб қилинадиган ҳисобга олиш гуруҳлари бўйича моддий бойликларнинг сарфи ва ой охиридаги қолдиғи” да ҳисобга олиш нархлари ва амалдаги таннархи бўйича материаллар сарфи ва ой охиридаги қолдиғи ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Омборхоналардан берилган ва юклаб жўнатилган моддий бойликларнинг амалдаги таннархини аниқлашда иккинчи бўлимда ҳисобланган тафовутларнинг ўртача фоизидан ва қайдноманинг шу бўлимидаги ҳисобга олиш нархи бўйича материаллар сарфи суммасидан келиб чиқилади. Қайдлар материалларни жамлама (синтетик) ҳисобга олишдаги жамлаш қайдномалари асосида ҳар ўн кунда ёки ой якунлари бўйича қилинади.

Моддий бойликларнинг қолдиқлари ҳақидаги маълумотлар тегишли сальдо қайдномаларининг кўрсаткичлари тўғрилигини текшириш учун хизмат қилади, чунки 10 (10-а)-қайдномадаги қайдлар ҳам омборхона варақчаларидаги каби ҳужжатлар асосида қилинади. Агар тафовутлар бёрлиғи аниқланса, бунинг сабаблари йиғма қайдномалар ёрдамида аниқланади.

11-қайднома “Моддий бойликларнинг (ҳисобга олиш нархлари бўйича) цехлар ва цех омборхоналаридаги ҳаракати” дан моддий бойликларнинг мустақил ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланган цех омборхоналари ҳамда омборхоналари бўлмаган ишлаб чиқаришлардаги ҳаракат-

ти ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун фойдаланилади.

10(10-а)-қайдномадаги каби 11-қайдномада ҳам моддий бойликларнинг ҳаракати ҳақидаги маълумотлар жамлама ҳисобварақлар, ҳисобга олиш гуруҳлари доирасида ҳисобга олиш нархлари бўйича кўрсатилади.

Цех омборхоналарида моддий бойликларнинг ҳаракати қайдномасидаги қайдлар зарур ҳужжатлар билан тасдиқланган цех ҳисоботлари маълумотлари асосида қилинади. Бунда қайдномада намоён бўлган умумий завод омборларидан келиб тушган моддий бойликларнинг суммаси ички оборот сифатида умумий завод омборларидан қилинган сарф бўйича 10(10-а)-қайдномада кўрсатилган суммага монанд бўлиши лозим.

Киримга доир қайдлар умумий завод омборларидан мустақил ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланган омборхоналари йўқ цехлар ёки ишлаб чиқариш участкаларига берилган моддий бойликларга тўлдирилган ҳужжатларнинг нусхалари маълумотлари бўйича қилинади (10(10-а)-қайдномада бу бериш ички оборот сифатида эмас, балки ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига қилинган сарфлар сифатида акс эттирилади). Материалларнинг бошқа цехлар (участкалар)га берилиши ёки умумий завод омборларига қайтарилиши, моддий бойликларнинг ортиқчаси ва ҳоказо тегишли бирламчи ҳужжатлар маълумотлари бўйича акс эттирилади.

Ўз омборхоналари бўлмаган ёки бўлса ҳам мустақил ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланмайдиган цехлар (участкалар)нинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига материалларнинг сарфланиши (улардан фойдаланиш) миқдори қуйидагича аниқланади: ой бошидаги қолдиққа ой мобайнида келиб тушган материаллар қўшилади ва ҳужжатлар бўйича уларнинг сарфи (бошқа цехларга берилиши, қайтарилиши ва ҳоказо), шунингдек ой охиригача омборхоналарда ёки иш ўринларида ишлатилмай қолган материаллар қолдиғи чегириб ташланади.

Моддий бойликларнинг ҳаракати қайдномасида ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар сарфи ҳақидаги

маълумотлар белгиланган меъёр бўйича материаллар сарфи ҳақидаги маълумотларга таққосланиши лозим; бунда тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан келиб чиқилади. Цехлар (участкалар)да хом ашё ёки материаллар камомати аниқланганда камомат суммаси қайдноманинг “Бошқа чиқиб кетишлар” моддасида кўрсатилади ҳамда ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларида сарфлар ҳақидаги маълумотлар шунга яраша камайтирилади. Бу камоматлар айна пайтда амалдаги қоидалар ва низомиларда белгиланган тартибда ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилади.

Агар цехлар (участкалар) ишлаб чиқариш ҳисоботлари тузишса, бу ҳисоботларнинг маълумотлари 11-қайднома кўрсаткичлари билан таққосланиши лозим.

Корхона _____	М-43-шакл
Омборхона _____	

Кириш буйича материалларни жамлама ҳисобга олишнинг йиғма қайдномаси N _____ 199__ й. учун

Сана ва реестр рақами	10-ҳисобварақ				Реестр буйича жами
	1-гурӯҳ	2-гурӯҳ	3-гурӯҳ	4-гурӯҳ	
Ой бошидаги қолдиқ					
Бир ойда жами					
Ой охиридаги қолдиқ					

Корхона _____	М-43-шакл
Омборхона _____	

199__ й. _____ учун
 Чиқим буйича материалларни жамлама ҳисобга олишнинг йиғма қайдномаси _____ И _____
 _____ 199__ й. учун

Сана ва реестр рақами	10-ҳисобварақ				Реестр буйича жами
	1-гурӯҳ	2-гурӯҳ	3-гурӯҳ	4-гурӯҳ	
Бир ойда жами					

10-қайднома

1. Умумий завод омборларидаги ҳаракат (жамлама ҳисобварақлар ёки гуруҳлар бўйича бўлмасдан) - ҳисоб нархлари бўйича										
Сана	1-омб.	2-омб.			Сана	1-омб.	2-омб.			
Ой бошидаги қолдиқ					Чиқиб кетди					
Келиб тушди					Ой охиридаги қолдиқ					

2. Умумий завод омборига келиб тушиш ва корхона бўйича қолдиқ - ой бошида - ҳисобварақлар ва талаб қилинадиган ҳисобга олиш гуруҳлари бўйича									Жами	Шу жумладан	
Сатр т.р.	Сана ёки омбор рақами	Кирим ордерлари ёки қайдномалар рақами М-43	10-1-ҳисоб-варақ	10-3-ҳисоб-варақ			12-ҳисоб-варақ			маҳсулот етказиб берувчилардан	ҳисобдор шахслардан
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
	1	1-қайднома									
	2	2-қайднома									
	3										
Ҳисобга олиш нархи бўйича жами											
Ички оборотларсиз жами											
ҳисобга олиш нархи бўйича											
амалдаги таннарх бўйича											
Умуман корхона бўйича ой бошидаги қолдиқ											
ҳисобга олиш нархи бўйича											
амалдаги таннарх бўйича											
Жами тушган материал (қолдиқ билан)											
ҳисобга олиш нархи бўйича											
амалдаги таннарх бўйича											
ҳисобга олиш нархи бўйича қийматдан фарқ											
сумма											
фоиз											

3. Моддий бойликлар сарфи ва ой охиридаги қолдиғи - жамлама ҳисобварақлар ва талаб қилинадиган ҳисобга олиш гуруҳлари бўйича

Бет рақами	Сана ёки омбор рақами	Маҳсулот бериш йўналиши	10-1-ҳисоб-варақ	10-3-ҳисоб-варақ	12-ҳисоб-варақ
		Умумий завод омборлари сарфи				
		Йиғма қайдномалар				
		№1				
		№2				
		Ишлаб чиқаришга жами				
		Ташқарига сотилгани				
		№1				
		Ташқарига сотилгани - жами				
		Цех омборхоналарига берилган				
		Ички оборотсиз берилган				
		Цех материаллари берилган ва сарфланган				
		Жами узил-кесил сарф				
		Ҳисобга олиш нархлари бўйича ой охиридаги қолдиқ				
		Умумий завод омборхоналарида				
		Цех омборхоналарида				
		Цех омборхоналарида				
Жами - ишлаб чиқаришдаги қолдиқ билан бирга						
10-журнал-ордер бўйича амалдаги таннарх бўйича узил-кесил сарф						
Амалдаги таннарх бўйича қолдиқ						

1-маълумотнома. Журнал-ордерлар маълумотларига мувофиқ келиб тушган моддий бойликларнинг амалдаги таннархи таркибий қисмлари

Журнал-ордер	Жамлама ҳисобварақлар ва талаб қилинадиган ҳисобга олиш гуруҳлари бўйича сумма			
	10-ҳисобварақ			
	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ
6				
7				
10				
Журнал-ордерлар бўйича жами				
Йўлдаги материаллар бўйича қолдиқларнинг ўзгариши				
Келиб тушган моддий бойликларнинг амалдаги таннархи				

2-маълумотнома. Журнал-ордерларга мувофиқ келиб тушган моддий бойликларнинг ҳисобга олиш қиймати

Журнал-ордер рақами	Сумма
6	
7	
10	
Жами	

3. ХОДИМЛАР БИЛАН МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни жамлама ҳисобга олиш (70-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар”) бир неча журнал-ордерда амалга оширилади. Масалан, иш ҳақи ва ҳоказони ҳисоблаб ёзиш билан боғлиқ бўлган операциялар (70-ҳисобварақ кредити бўйича қайдлар) қорхоналарда 10-журнал-ордер ва 15-қайдномада акс эттирилади. 70-ҳисобварақ бўйича иш ҳақини тўлашга доир операциялар ва бошқа дебет оборотлари 70-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи билан ўзаро боғлиқ ҳисобварақлар кредити бўйича оборотларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган журнал-ордерларда акс эттирилади.

Ходимлар билан ҳисоб-китобларни таҳлилий (аналитик) ҳисобга олиш, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳисобга олиш меҳнатни ва иш ҳақини ҳисобга олишга доир амалдаги қоидаларга мувофиқ бажарилади.

Алоҳида ҳисоб-китоб (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномалари маълумотлари қорхона бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишни ва статистик ҳисоботни тузишни назорат қилишни таъминлайдиган бандларда умумлаштирилади.

Ҳисоб-китоб (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномалари маълумотларини жамлаш (бир жойга тўплаш) учун 5-“Ҳисобланган иш ҳақини унинг таркиби ва тоифалари бўйича жамлаш. Ишчилар ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларни жамлаш” ишланма жадвалидан фойдаланиш мумкин.

Ишланма жадвалда меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирадиган ва кирмайдиган барча ҳисобланган суммалар (ижтимоий суғурта фонди, қорхонанинг фойдаси ва бошқа маъбалар) ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

5-шланга жадвал
Хисобланган иш ҳақини унинг таркиби ва тифллари бўйича жамлаш ҳамда ишчилар ва хизматчилар билан
хисоб-китобларни жамлаш

A. Рўйхат таркибидаги ишчилар

№	Цех ёки хисоб-китоб қайд-нома-си рақа-ми	Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирадиган хисоблаб ёрилган суммалар					Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирмайдиган хисоблаб ёрилган суммалар					Жами			
		Муко-фотли иш-байда ишбай-нарх-ларда	Ишбай тўлов-чилар-га муко-фот-лар	Вақт-бай-вақт-бай ҳақ тўлаш	Вақт-бай иш-ловчи-ларга муко-фот-лар	Тавтил учун	Кў-шимча иш ҳақи	Ижтимоий сурғурта ҳисобига			Бошқа тўлов-лар (диви-денд-лар ва хока-зо)				
								вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик бўйича нафақа	ҳамиладорлик ва туғиш бўйича нафақа	кунлар сони			сумма	кунлар сони	сумма
1															
2															
	Жами														

Б. Раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар.

№	Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирадиган ҳисоблаб ёзилган суммалар			Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирмайдиган ҳисоблаб ёзилган суммалар				Бошқа тўловлар (дивидендлар ва ҳоказо)	Жами	
	Ҳисоб-китоб тўлов кайдномаси рақами	асосий маош буйича тўлов	муқофотлар	бошқа тўловлар (таътилга ҳақ тўлаш ва ҳоказо.)	Ижтимоий сугурта ҳисобиغا					
					Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик буйича нафақа	кунлар сони	сумма			кунлар сони
1										
2										
Жами										

В. Ишчилар ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича жамлама маълумотлар

№	Цех-ёки ҳисоб-китоб тўлов қайд-нома-си рақами	Ой бошидаги қарз		Ҳисобланган	70-ҳисоббаарағи дебети бўйича						70-ҳисоб-варақ дебети бўйича жами		Ой охиридаги қарз			
		корхона қарзи	ҳодимлар қарзи		тўлов қайд-нома-си бўйича нақд берилган	депонентларга ўтказилган	корхона акциялари учун	даромад солиғи	пенсия фондига	бошқа ушлаб қолишлар (ижро варағи бўйича ҳоҳазо)	8	9	10	11	12	13
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14			
1																
2																
3																
	Жами															

Ҳисобланган иш ҳақини тақсимлаш қайдномаси

№	Харажатларни ҳисобга олиш объектлари	Ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа туловлар	Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар		
			36%	2%	2%
1	20-ҳисобварақ бўйича асосий ишлаб чиқариш, шу жумладан маҳсулот турлари бўйича				
2	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари, шу жумладан цехлар бўйича				
3	Давр харажатлари, шу жумладан илова ҳисобварақлари бўйича				
	26.1				
	26.2				
	26.3				
4	29-ҳисобварақ бўйича харажатлар				
5	Жами:				

Корхона ходимларининг ўз вақтида олмаган иш ҳақи кредиторлик қарзи сифатида депонентга ўтказилади.

Депонентлар билан ҳисоб-китобларнинг жамлама ҳисоби 76-”Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи бўйича ёзувларни акс эттириш жараёнида журнал-ордерларда: кредит айланмалари 8-журнал-ордерда, дебет айланмалари - 76-ҳисобварақ билан ўзаро боғланувчи ҳисобварақлар кредити бўйича айланмаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган журнал-ордерларда таъминланади (76-”Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи бўйича жамлама ҳисоб маълумотларини акс эттириш тартиби тегишли журнал-ордерларга шарҳларда келтирилган).

Депонентлар билан ҳисоб-китобларнинг корхона ходимларининг иш ҳақидан ижрочилик ҳужжатлари бўйича ушлаб қолинган суммаларга доир таҳлилий ҳисоби 7-қайдномада юритилади.

Депонентлар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида берилмаган иш ҳақи суммаларига доир таҳлилий ҳисоби 8-а-шаклдаги депонентга ўтказилган иш ҳақини ҳисобга олиш дафтарида ёки 11-ишланма жадвалда юритилади. Дафтар фақат ҳисобга олиш регистрдан иборат. Берилмаган иш ҳақи реестри бунда алоҳида регистр сифатида сақланиб қолади. 11-ишланма жадвал берилмаган иш ҳақининг махсус реестри ва айна бир вақтда ҳисобга олиш регистри ҳисобланади.

Депонентга ўтказилган иш ҳақини ҳисобга олиш дафтари бир йилга очилади. Ҳар бир депонент учун унда алоҳида сатр ажратилиб, бу сатрда табель рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, депонентга ўтказилган сумма ва унинг берилиши ҳақидаги белги кўрсатилади. Бундай белгилар учун ойларнинг сонига қараб ўн иккита устун назарда тутилган; берилганлик ҳақидаги белги олиниши лозим бўлган сумма берилган ойнинг тегишли устунига қўйилади. Туланмай қолган суммалар йил охирида яна бир йилга очиладиган янги дафтарга кўчирилади.

11-ишланма жадвал ҳам шунга ўхшаш тартибда юри-тилади, фақат у иш ҳақининг ҳар бир депонентга ўтказилиш даври учун кассир томонидан алоҳида тузилиши билан фарқ қилади. Ишланма жадвалда табель рақами, фамилия, исм ва отасининг исми, депонентга ўтказилган сумма ёзиб қўйилади. Унда тўланганлик ҳақидаги белгилар учун ушбу ойга тегишли амалга оширилган тўловларнинг якуний суммаси кўрсатиладиган махсус устун назарда тутилган. Ҳисобот даври ўтганидан сўнг тўланмаган суммалар янги ишланма жадвалларга кўчирилади.

Корхона _____

19 __ йилнинг _____ учун
II ишланма жадвал

N	Табель рақами	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Депонентга утказилган сумма	Берилганлиги хақидаги белги	Депонентга утказилган сумманинг қолдиғи .
		Жами:			

4. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

4.1. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш

Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун 6-журнал-ордер қўлланилади.

Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олишни ташкил қилишда қуйидагиларни назарда тутиш керак.

1. Журнал-ордер шаклидаги регистрларда ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида бундай ҳисоб-китобларнинг ҳисоби ҳар бир алоҳида ҳужжат (ҳисобварақ-фактура, ҳисоб-китоб ҳужжати ва бошқалар) бўйича позицион усулда юритилади.

2. Ҳисобварақ-фактура бўйича суммадан ва ҳисоб-китоблар шаклидан (аккредитивлар, чеклар ва шу кабилардан) қатъи назар маҳсулот етказиб берувчилар юклаб жўнатган товар-моддий бойликлар ва пудратчилардан қабул қилиб олинган иш (хизмат) лар учун ҳамма ҳисоб-китоблар 60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағида акс эттирилиши лозим. Агар бойликларнинг харидорнинг омборига келиб тушиши ёки ишлар ва хизматларнинг қабул қилиниши расмийлаштирилгунга қадар ҳисобварақ-фактураларга ҳақ тўланган бўлса, бундай ҳолларда ҳам ёзувлар 60-ҳисобварақ билан ўзаро боғлиқликда амалга оширилиши керак.

3. Маҳсулот етказиб берувчилардан келиб тушган товар-моддий бойликлар учун 60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи ана шу бойликларни ҳисобга олишга мўлжалланган ҳисобварақлар дебети билан ўзаро боғлиқликда ҳисобварақ-фактура суммасида кредит қилинади. Маҳсулот етказиб берувчилар юклаб жўнатган, лекин ойнанинг охиригача корхона омборига келиб тушмаган моддий бойликлар ёки товарларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича суммалар ҳам 60-ҳисобварақнинг кредити бўйича товар-моддий бойликларни ҳисобга олишга мўлжалланган ҳисобварақлар билан ўзаро боғлиқликда акс эттирилади. Йўлдаги ёки маҳсулот етказиб берувчилар омборларидан олиб кетишмаган товар-моддий бойликлар қиймати фақат таҳлилий ҳисобга олишда ажратиб кўрсатилади.

N ___	N ___	N ___	N ___	N ___	Eтиб келмаган юк учун (йўлда, маҳсулот етказиб берувчининг омборида қолган)	Ҳисобваараклар бўйича акцепт суммалари ёки фактура қилинмаган етказиб беришлар учун суммалар	Ой бошида
15	16	17	18	19	20	21	22

Ой бошида	Фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича ҳақ тўланганлиги, ҳисобдан чиқарилганлиги ёки сторно ҳақидаги белги							
	_____ учун (ой)			_____ учун (ой)				
Ҳақи тўланмаган мазкур ҳисобварақлар бўйича ва фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича сальдо	санаси	ҳисоб-китоб варағи-дан	бошқа ҳисобварақлардан		ҳисоб-китоб ҳисобварағи дан	бошқа ҳисобварақлардан		
			ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварағи	суммаси				
23	24	25	26	27	28	29	30	31

60-ҳисобварақ бўйича йиғма-назорат маълумотлари

сатр N	Кўрсаткич номи	Суммалар		
		1	2	3
A	Б			
1	Ой бошидаги кредит сальдоси (ҳақи тўланмаган ҳисобварақлар, ҳисобварақ-фактуралар, ҳисобварақ-тўлов талабномалари ва фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича қарз)			
2	Ҳисобот оyi учун кредит бўйича айланмалар (акцепт қилинган ҳисобварақлар ва фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича журнал-ордерга мувофиқ суммалар)			
	Ҳисобот оyi учун дебет бўйича айланмалар:			
3	Ўтган ой учун журнал-ордерда акс эттирилган ҳисобот ой учун ҳақ тўлаш, ҳисобдан чиқариш ва ҳисобга олиш суммалари.....			
4	Мазкур журнал-ордерда акс эттирилган ҳақ тўлаш, ҳисобдан чиқариш ва ҳисобга олиш суммалари			
5	Дебет бўйича жами (3 ва 4-сатрлар бўйича).....			
6	Ой бошидаги дебет сальдоси			
7	60-ҳисобварақ бўйича ой охиридаги умумий сальдо: кредит			
8	дебет			
	6-журнал-ордерларнинг хусусий маълумотларига мувофиқ - ой охиридаги кредит сальдоси: Акцепт қилинган ва акцепт қилишга тақдим этилган ҳисобварақлар (ҳисобварақ-фактуралар ва ҳисобварақ-тўлов талабномалари) бўйича			
9	Ўтган ой журнал-ордери бўйича			
10	Ҳисобот оyi журнал-ордери бўйича.....			
11	Жами (9-11-сатрлар бўйича сумма) Фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича:			
12	Ўтган ой журнал-ордери бўйича			
13	Ҳисобот оyi журнал-ордери бўйича			
14	Жами (13-15-сатрлар бўйича сумма).....			

Журнал-ордер 19__ йил "___" _____ да тугалди.

Айланмалар суммаси

Бош. дафтарда 19__ йил "___" _____ акс эттирилган.

Ижрочилар _____ Бош ҳисобчи _____

* Икки-устун маҳсулот етказиб бериувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларга доир, моддий бойликларнинг тайёрланиши билан боғлиқ бўлмаган операциялар 6-журнал-ордернинг алоҳида бўсма иш қоғози (бланкиси)да юритиладиган ҳоллар учун назарда тутилган.

6-журнал-ордер 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича тегишли ҳисобварақларнинг дебети билан ўзаро боғлиқлигида акс эттириладиган операцияларни ёзиш учун мўлжалланган. У комбинацияланган регистр бўлиб, унда маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳамма операцияларнинг жамлама ҳисоби билан бир қаторда, шунингдек, акцепт шакли бўйича ҳисоб-китоблар қисмида таҳлилий ҳисоб ҳам юритилди.

6-журнал-ордерда 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлардан ташқари ана шу ҳисобварақлар бўйича дебет айланмалари ҳам, яъни маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар ҳисобварақ-фактураларига ҳақ тўланиши суммалари ёхуд ҳисобдан чиқарилган суммалар акс эттирилади.

Корхоналарда харид қилинган товар-моддий бойликлар, қабул қилинган ишлар ва хизматларга ҳисобварақ-фактуралар соғни анча кўп бўлганида зарур маълумотлар 6-журнал-ордернинг алоҳида босма иш қоғози (бланкалари)да йиғиб борилиши мумкин. Уларнинг бирида юклаб жўнатилган товар-моддий бойликлар учун, уларнинг етказиб берилиши ва материалларнинг қайта ишланиши учун ҳисоб-китоблар билан боғлиқ ёзувлар; бошқасида - бошқалиқлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар билан боғлиқ ёзувлар қайд этилиши мумкин.

Акцепт шакли бўйича ҳисоб-китоблардаги кредит ва дебет айланмалари 6-журнал-ордерда ҳар бир алоҳида ҳисоб-китоб ҳужжати бўйича акс эттирилади.

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар, чунончи юклаб жўнатилган ёки келиб тушган товар-моддий бойликлар, қабул қилинган ишлар ёки хизматлар учун олиниши лозим бўлган суммалар маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар тақдим этган ва ҳақ тўлаш учун қабул қилинган ҳисобварақ-фактуралар (ҳисоб-

китоб ҳужжатлари) асосида, фактура қилинмаган маҳсулот етказиб беришлар бўйича эса - юкка илова қилинган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Моддий бойликларнинг келиб тушиши тегишли кирим ҳужжатлари билан лозим даражада расмийлаштирилган бўлиши ва тасдиқланиши керак. Ҳисобварақ-фактуралар ёки улар ўрнини босадиган ҳужжатлар синчиклаб текширилганидан сўнг ёзув учун қабул қилинади. Юклари етиб келган моддий бойликларнинг етказиб берилишига доир ҳужжатларнинг текширилишида омборнинг кирим ҳужжатларида келтирилган маълумотлар ҳисобга олинади (ёзув учун қабул қилинадиган ҳужжатлар келиб тушадиган юкларни ҳисобга оладиган М-1-сонли журналда олдиндан рўйхатдан ўтказилиши лозим).

Ҳисобварақ-фактураларга ҳақ тўланишига доир операциялар банкнинг кўчирмалари, касса ордерлари ёки бoshқа пул ҳужжатлари асосида акс эттирилади. Турли хилдаги ҳисобдан чиқаришлар (турли ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзи сифатида ҳисобга қабул қилинадиган ҳақи тўла тўланмаган суммалар, ҳисобварақ-фактурада қарз суришиш тарзида кўрсатилмаган тегишли дебиторлик қарзини узиш учун муомаладаги суммалар) бухгалтерия тузadиган маълумотномалар бўйича акс эттирилади.

Ой мобайнида товар-моддий бойликларнинг етказиб берилишига тегишли ҳисобварақ-фактуралар ёки улар ўрнини босадиган ҳужжатлар бўйича регистрга киритилadиган ушбу бойликларнинг харид қиймати ва маҳсулот етказиб берувчиларга тўланиши лозим бўлган суммалар қисмига оид ёзувлар моддий бойликларнинг корхона омборига келиб тушишига қараб амалга оширилади.

Ҳар бир ҳисобварақ-фактура бўйича регистрнинг алоҳида сатрида унинг рўйхатдан ўтиш рақами (келиб тушадиган юкларни ҳисобга оладиган М-1-сонли журнал бўйича келтирилади), журнал-ордер босма иш қоғози (бланқаси)да назарда тутилган асосий реквизитлари, сўнгра тўлов учун қабул қилинган суммалар, қарз суришишлар ва бoshқа зарур суммалар кўрсатилади. Тўлов учун қабул қи-

линган суммалар журнал-ордернинг алоҳида устунларида амалда келиб тушган товар-моддий бойликларнинг харид қийматини белгилайдиган таркибий маълумотлар бўйича акс эттирилади; қарз суришишлар суммаси ва ҳақ тўлаш учун қабул қилинган умумий сумма алоҳида ёзиб қўйил-ади. Агар товар-моддий бойликларни қабул қилишда ка-момад аниқланса, унда амалда келиб тушган товар-мод-дий бойликларнинг харид қийматини белгилайдиган тар-кибий маълумотлар билан бир қаторда аниқланган камо-мадлар суммаси алоҳида кўрсатилади. Товар-моддий бой-ликларнинг қабул этилишида ёки ҳисобварақ-фактурани текширишда аниқланган навга, бутлиликка ва шу каби-ларга оид эътирозлар суммалари ҳам шу тартибда қайд қилинади. Агар юкларнинг бир қисми ҳали йўлда бўлса; унда алоҳида устунда юкнинг ана шу қисми билан боғлиқ сумма акс эттирилиши керак.

Журнал-ордерга киритилган амалда келиб тушган товар-моддий бойликларнинг устама ҳақлар ва чегирма-ларни ҳисобга олган ҳолдаги харид қиймати, аниқланган камомадлар, эътирозлар, қарз суришишлар суммалари; шунингдек юкларнинг етиб келмаган қисми қиймати ҳақ тўлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар қий-матини ташкил этади. Бойликларнинг қабул этилишида аниқланган ортиқча миқдор алоҳида сатрларда фактура қилинмаган етказиб беришлар сифатида кўрсатилади.

Амалда келиб тушган товар-моддий бойликларнинг харид қийматини ташкил этадиган таркибий маълумотлар журнал-ордерларнинг алоҳида устунларида товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган алоҳида жамлама ҳисобварақлар бўйича, зарур ҳолларда эса ҳар бир жамлама ҳисобварақнинг ичида кўрсатилган бойлик-ларни келиб тушган омборлар бўйича бўлмасдан матери-аллар гуруҳлари бўйича акс эттирилади. Камомадлар ва эътирозлар суммалари 63- "Эътирозлар бўйича ҳисоб-ки-тоблар" ҳисобварақининг дебети билан ўзаро алоқадор-ликда, маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчи билан амалга оширилган қарз суришишлар эса - ҳисобга олинадиган

дебиторлик қарзи (бўнаклар ва шу кабилар) ҳисобда тура-
диган ҳисобварақнинг дебети билан ўзаро боғлиқликда
кўрсатилади.

Келиб тушган товар-моддий бойликлар бўйича жур-
нал-ордерда ушбу бойликларнинг ҳисобга олиш нархлари
бўйича қиймати ҳам кўрсатилади (ҳисобга олиш режали
(меъерий), ўртача харид нархлари бўйича юритилганида).
Ҳисобга олиш нархлари бўйича қийматни жамлама ҳи-
собварақлар, ҳисобга олиш гуруҳлари ва омборлар бўйича
бўлмасдан акс эттирилади.

Ҳисобот ойда келиб тушган фактура қилинмаган
товар-моддий бойликлар (маҳсулот етказиб берувчилар
ҳисобварақ-фактураларни ҳақ тўлаш учун тақдим этмаган-
лари) журнал-ордерларда ҳар бир маҳсулот етказиб бери-
лиши бўйича алоҳида тарзда акс эттирилади, бунда ҳисоб-
варақ-фактуранинг рақами ўрнига ана шу номдаги устун-
да “ФҚ” ҳарфлари (фактура қилинмаган) кўйилади. Ҳар
бир маҳсулот етказиб берилиши бўйича келиб тушган то-
вар-моддий бойликларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйи-
ча қиймати келтирилади, харид қийматининг ўрнида эса
(ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар бўйича сум-
маларни ёзиш учун мўлжалланган устунларда) ана шу ҳи-
собга олиш қийматининг ўзи, лекин жамлама ҳисобварақ-
лар ёки товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш гуруҳ-
лари бўйича бўлинган ҳолда кўрсатилади. Бунда “Ҳисоб-
варақлар бўйича акцепт суммалари ёки фактура қилин-
маган етказиб беришлар учун суммалар” устунда яқун
“ФҚ” ҳарфларини суратга кўйиб кўрсатилади. Фактура
қилинмаган етказиб беришлар тарзида қабул қилинган
товар-моддий бойликларнинг ҳисобварақ-фактуралари етиб
келганида ушбу бойликларнинг илгари ёзилган шартли
қиймати суммаси сторно қилинади, олинган ҳисобварақ-
фактуралар асосида ёзувлар умумий тартибда амалга оши-
рилади. Сторно қилинадиган суммалар ва келиб тушган
ҳисобварақ-фактуралар бўйича суммалар журнал-ордер-
нинг дастлабки иккита навбатдаги бўш сатрларида алоҳи-
да тартибда қайд этилади. Айни бир пайтда товар-моддий

бойликлар фактура қилинмаган тарзида акс эттирилган сатр бўйича “Фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича ҳақ тўланиши, ҳисобдан чиқарилиши ёки сторно ҳақидаги қайд” устунларида сторно қилинган ёзувнинг сатр рақами кўрсатилади.

Фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича ёзувлар юкнинг келиб тушишига қараб ёки ойнинг охирида амалга оширилиши мумкин.

6-журнал-ордерда пудратчилар қилган ишлар ва кўрсатган хизматлар учун ёзувлар бажарилган ишлар ҳамда хизматларнинг қабул қилинишига қараб ҳисобварақ-фактуралар асосида амалга оширилади. Бундай операцияларни акс эттириш тартиби келиб тушган товар-моддий бойликларни қабул қилиш тартибига ўхшашдир. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланиши лозим бўлган суммалар тегишли харажатлар ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳисобварақларнинг дебети билан ўзаро боғланиб кўрсатилади; ҳисобварақ-фактуралар акцептидан сўнг вужудга келган қарз суришишлар ёки эътирозлар суммалари алоҳида устунларда ана шундай ҳисоб-китоблар акс эттириладиган ҳисобварақларнинг дебети билан ўзаро боғлаб келтирилади.

Юклар бўлган товар-моддий бойликлар, қабул қилинган ишлар ва хизматлар учун тўланиши лозим бўлган суммалар ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда 6-журнал-ордерда ҳар бир ҳисобварақ-фактура бўйича ҳақ тўлаш ва ҳисобдан чиқаришлар суммалари алоҳида қайд этилади. Ҳисоб-китоб ҳисобварағидан ҳақ тўланиши махсус устунда ажратиб кўрсатилади; кассадан ҳақ тўланиши ва турлича ҳисобдан чиқаришлар ўзаро боғланувчи ҳисобварақни кўрсатган ҳолда “Бошқа ҳисобварақлардан” устунда келтирилади.

Ҳисобварақ-фактураларга ҳақ тўланиши ва ҳисобдан чиқариш ҳақидаги белгилар юкнинг келиб тушганлиги, ишлар ва хизматларнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттириладиган, яъни маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланиши лозим бўлган

суммалар ўз ифодасини топадиган журнал-ордерларда икки ой мобайнида ёзиб қўйилади. Фактура қилин-маган етказиб беришлар хусусидаги ёзувлар ҳам шундай тартибда амалга оширилади.

Ҳақи тўланмаган ёки ҳисобдан чиқарилмаган суммалар ва сторносиз фактура қилинмаган етказиб беришларга доир суммалар қайдларсиз икки ой ўтганидан сўнг ҳар бир ҳисобварақ-фактура ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат бўйича алоҳида тарзда учинчи ойнанинг журнал-ордерининг “Ой бошида” устунига ўтказилади. Кейинчалик ҳақ тўланганлиги, ҳисобдан чиқариш ва сторно ҳақидаги белгилар ушбу журнал-ордернинг ўзида қайд қилинади. Бундан қатъи назар, ҳисобот ойна учун ҳар бир журнал-ордерда унинг охири саҳифасида маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг аҳволи ҳақидаги умумлаштирилган маълумотлар келтирилади.

Юк етиб келгунигача ҳисоб-китоб қилиб бўлинган товар-моддий бойликларнинг етказиб берилиши учун ҳисобварақ-фактураларга ҳақ тўланганлиги ушбу ҳисобварақ бўйича материал (товар)ларнинг кейинги келиб тушиш вақтидан қатъи назар, журнал-ордерда (алоҳида сатр бўйича) акс эттирилиши лозим. Ҳақ тўлашга (акцептга) қабул қилинган сумма регистрда (алоҳида устунда) олдиндан ёзиб қўйилиши лозим. Айни бир вақтда ушбу сумма тегишли устунда етиб келмаган юкнинг қиймати сифатида кўрсатилади.

Агар илгари йўлда келаётган бойликлар сифатида ҳисобга олинган кўрсатиб ўтилган товар-моддий бойликлар ҳақ тўланган ҳисобот ойда келиб тушган бўлса, улар қиймати ҳақ тўланиши учун келиб тушган товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш учун белгиланган оддий тартибда илгари ҳақ тўланганлиги акс эттирилган сатр бўйича акс эттирилади. Айни бир вақтда “Етиб келмаган юк учун” устунда илгари келтирилган сумма устидан сторно қилинадиган сумма (келиб тушган юк қиймати, камомад, эътироз суммалари) қизил сиёҳ билан ёзиб қўйилади. “... ҳисобварақлари бўйича акцепт суммалари” устунига доир

сумма бундан олдинги устунларда сторно қилинган суммаларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилган маълумотларга тенг бўлиши лозим.

Ойнинг охирида йўлда бўлган бойликлар учун ҳисобварақ-фактуралар ёки улар ўрнини босадиган ҳужжатлар бўйича суммалар ҳар бир етказиб бериш бўйича алоҳида тарзда навбатдаги ой журнал-ордерининг “Ой бошида етиб келмаган юк учун” устунига ўтказилади. Бундан олдинги ойда акс эттирилган акцепт сифатидаги сумма бу журнал-ордерда кўрсатилмайди. Ҳисобот ойида илгари ой бошида йўлда келаётган бойликлар сифатида ҳисобга олинган юкнинг келиб тушишида сторно суммасини “Ой бошида етиб келмаган юк учун” устунига кўрсатиш билан боғлиқ зарур ёзувлар сальдо акс эттирилган сатрларда амалга оширилади.

Ҳар ойнинг охирида “Ой бошида етиб келмаган юк учун” устунига доир якун товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар бўйича кўрсатилган устунда қандай якуннинг аниқланишига қараб оддий ёки сторно (қизил) ёзувлар билан келтирилади (йўлдаги бойликлар бўйича кредит сальдоси ўтган ой учун йўлдаги материаллар бўйича сторно суммаси ҳисобот ойи учун етиб келмаган юк суммасидан ортиқ бўлган ҳолларда аниқланиши мумкин). Товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар бўйича кўрсатилган суммалар умуман журнал-ордер бўйича якунларни аниқлашда инобатга олиш учун қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, ана шу якунлар бўйича 07-“Ўрнатиладиган ускуналар”, 10-“Материаллар”, 12-“Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” ва бошқа ҳисобварақлар бўйича дебет айланмаларини 60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварақининг кредити билан ўзаро боғлаб акс эттиришда 60-ҳисобварақнинг кредити бўйича айланмалар ой охирида йўлда бўлган товар-моддий бойликлар суммаларини ҳам ўз ичига олади. Навбатдаги ҳисобот ойининг журнал-ордерига ой бошидаги сальдо сифатида ўтказиладиган ой охирида-

и материаллар, товарлар ва бошқаларнинг алоҳида жамчама ҳисобварақлари бўйича айрим суммалар 60-ҳисобварақ кредити бўйича ёзувларнинг ушбу қисмини расшифровка қилиб беради.

Юк этиб келгунигача ҳақ тўланадиган ҳисобварақ-фактуралар сони анча кўп бўлганида бундай ҳақ тўлаш билан боғлиқ зарур маълумотларни журнал-ордерларда акс эттиришнинг қуйидаги соддалаштирилган тартибини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Этиб келмаган юк учун ҳисобот ойда ҳақ тўланган ҳисобварақ-фактуралар маълумотлари бўйича ой давомида регистрларга фақат ҳақ тўлаш учун (акцептга) қабул қилинган ва ҳақ тўланган сумма ёзиб қўйилади. “Этиб келмаган юк учун” устунида белги қўйилмайди. Бундай белги ой охирида фақат юки шу пайтгача этиб келмаган ҳисобварақ-фактуралар бўйича қўйилади. Товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган тегишли ҳисобварақлар бўйича этиб келмаган юк учун “Ой бошида...” устуни якуни расшифровка қилинганидан сўнг айрим якунлар, шунингдек “Акцепт суммалари...” устунида юки ой охиригача этиб келмаган ҳисобварақ-фактуралар қисмидаги якуний сумма навбатдаги ой учун очиладиган журнал-ордерга ўтказилади. Унда юқорида кўрсатилган якунлар бир сатрда қизил сиёҳ билан ўтган ойнинг охирида йўлда бўлган товар-моддий бойликлар учун ҳисобот ойнинг сторноси сифатида ёзиб қўйилади. Шу билан бир вақтда ана шу журнал-ордерда йўлдаги товар-моддий бойликлар бўйича ой бошидаги сальдо маълумот сифатида (белгиланган устунларда) ҳар бир етказиб бериш бўйича алоҳида кўрсатилади, бунда акцепт суммаси ва ой бошида йўлда бўлган юк қиймати кўрсатилмайди, чунки йўлдаги товар-моддий бойликлар бўйича ҳамма маълумотлар ўтган ойда сторно қилинган. Ўтган ойда йўлда бўлган юкнинг кейинчалик этиб келиши ҳисобварақ-фактураларга ҳақ тўланишига қадар этиб келган тарзида сальдо чиқарилган сатрларда умумий тартибда (тўлов учун қабул қилинган сумма кўрсатилиб) акс эттирилади.

Юклар тўлиқ етиб келмаган ва ҳақи тўланмаган ҳисобот ойида акцепт қилинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича 6-журнал-ордердаги ёзувлар ой охирида бир сатр билан амалга оширилади, бунда ушбу ҳисобварақ-фактуралар бўйича суммалар “Етиб келмаган юк учун” ва” ... ҳисобварақлари бўйича акцепт суммаси” устунларида кўрсатилади. Айни бир вақтда навбатдаги ой учун очиладиган журнал-ордерда кўрсатилган суммалар “Ой бошида етиб келмаган юк учун” устунисида ҳар бир ҳисобварақ-фактура бўйича алоҳида тарзда акс эттирилади. Юк етиб келиши билан тегишли ёзувлар йўлдаги товар-моддий бойликларни акс эттириш учун кўрсатилган тартибда амалга оширилади; ушбу ҳисобварақ-фактураларга ҳақ тўланиши ёки ҳисобдан чиқариш журнал-ордерда умумий тартибда кўрсатилади.

6-журнал-ордердаги якунлар жамлама ҳисобварақлар бўйича тегишли маълумотлар билан боғланган бўлиши керак. Масалан, “Ҳисобварақлар бўйича акцепт суммалари ёки фактура қилинмаган етказиб беришлар учун суммалар” устуниси бўйича якун тегишли ҳисобварақлар дебетига ёзилган суммалар якунлари плус ой охирида етиб келмаган юк учун суммаларга тенг бўлиши лозим. Жорий ой учун ҳақ тўлаш ва ҳисобдан чиқаришларнинг якуний суммалари плус ҳақи тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган ёки сторно ҳақидаги белгиларсиз (фактура қилинмаган етказиб беришлар қисмида) суммалар “Ҳисобварақ-фактуралар бўйича акцепт суммалари... “ устунисидаги якун плус маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга ой бошидаги қарзга тенг бўлиши лозим.

Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоб маълумотларини умумлаштириш учун журнал-ордерда “60-ҳисобварақ бўйича йўл нозорат маълумотлари” жадвалидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобварақ бўйича кредит айланмалари суммалари журнал-ордердан “Ҳисобварақлар бўйича акцепт суммалари ёки фактура қилинмаган етказиб беришлар учун суммалар” устунининг якуни бўйича, дебет айланмалари суммалари - “Фактура

қилинмаган етказиб беришлар бўйича ҳақ тўланганлиги, ҳисобдан чиқарилганлиги ёки сторно ҳақидаги белги” устунининг яқунлари бўйича келтирилади.

Ҳисобот оёи учун ҳақ тўлаш ва ҳисобдан чиқаришлар суммаси (60-ҳисобварақнинг дебети бўйича айланмалар) ҳисобот ва бундан олдинги оёларнинг журнал-ордердан олинади, чунки ҳақ тўлаш ва ҳисобдан чиқариш 2 оё мобайнида юкнинг етиб келганлиги ёки иш хизматларнинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзувлар акс этган оёнинг журнал-ордериди қайд қилинади. Корхонада 6-журнал-ордернинг алоҳида босма иш қоғоз (бланка)лари қўлланиладиган ҳолларда 60-ҳисобварақнинг дебети бўйича айланмалар ана шу бланкалардан олинади.

60-ҳисобварақнинг дебети бўйича айланмалар ҳисоботини соддалаштириш мақсадида журнал-ордерларнинг бланкалари кўп бўлганида “Йиғма назорат маълумотлари” жадвалида тегишли суммалар учун бир неча устунлар назарда тутилган.

Жадвалда чиқарилган 60-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи сальдосининг суммаси (ҳақи тўланмаган ҳисобварақ-фактуралар ва фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича) Бош дафтарнинг маълумотлари билан солиштирилади.

4.2. Ҳисобдор шахслар билан қилинадиган ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш

“Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” деган 71-ҳисобварақда акс эттириладиган ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 7-журнал-ордерда юритилади.

Ушбу журнал-ордерда ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг жамлама ва таҳлилий ҳисоби ягона тизимдаги ёзувлар билан таъминланади.

Таҳлилий ҳисоб ҳисобот топшириш шарти билан алоҳида берилган суммалар бўйича фамилияма-фамилия юритилади ва позицияли усулда амалга оширилади. Ҳар бир алоҳида сатрда берилган бўнак, тасдиқланган бўнак ҳисоботи асосидаги харажат суммалари, шунингдек фойдаланилмаган бўнакнинг қайтарилган суммаси ёки ортиқча сарфланган сумманинг қайтарилган миқдори акс эттирилади. Шундай қилиб, бир бўнак ҳисоботи бўйича операциялар фақат бир сатрда акс эттирилади. Узоқ муддатли хизмат сафаридagi ҳисобдор шахсга қўшимча бўнак юбориладиган ҳоллар учун “Ҳисобот топшириш шарти билан берилди” бўлимида тегишли устунлар назарда тутилган.

“Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” деган 71-ҳисобварақдаги жамлама маълумотларни олиш учун бўнак ҳисоботлари бўйича харажат суммалари ва фойдаланилмаган бўнакнинг қайтарилиши журнал-ордерда дебет қилинадиган ҳисобварақлар билан ўзаро боғлиқликда кўрсатилади. Айни вақтда сафардаги кундалик харажатлар пулини тўлаш учун сарфланган суммалар ҳақидаги маълумотнома келтирилади. Бу маълумотнома тегишли шаклдаги бухгалтерия ҳисоботини тўлдириш чоғида керак бўлади.

Корхона

19 йилнинг _____ учун
 71- "Ҳисобдор шахслар билан Ҳисоб-китоблар" Ҳисобварағининг кредити бўйича
 7-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

ва ушбу Ҳисобварақ бўйича таҳлилий маълумотлар

Таҳлилий (бу-нак) Ҳисоботи №	Ҳисобдор шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Ўтган ой учун журнал-налар бўйича тартиб рақами	Ой бошидаги қолдиқ					Ҳисобот учун берилган						Ортиқча сарфланган сумманинг қопланиши учун берилган			Бўнакнинг фойдаланил-маган суммаси қайтарилган, қопланган
			Қарз-нинг ву-жда келиш сани-си	Дебет (Ҳисобда қолган сум-мани-ки)	Қайта-рилма-ган ор-тиқча сарф-ланган сум-мани-нинг кредити	Са-на	Ўзаро боғла-нувчи вакил-лик Ҳисоб-вара-ғи	Сум-ма-си	Са-на-си	Ўзаро боғла-нувчи вакиллик Ҳисоб-варағи	Сум-ма-си	Са-на-си	Ўзаро боғла-нувчи вакиллик Ҳисоб-варағи	Сум-маси	17	18	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
Жами:																	

7-журнал-ордернинг давоми
Тасдиқланган ҳисобот бўйича умумий
суммада

Ҳисоботдаги суммалардан сарфланган

Бўнакнинг
фойдаланилмаган
суммаси кайтарилган,
қолганган

71-ҳисобварақнинг
кредитидан куйидаги
ҳисобварақлар дебетига

Такдим
этилган
ҳисобот
бўйича

71-ҳисобварақ кредитидан 05, 06, 07, 08, 09,
09, 10, 11, 12, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 31, 33,
35, 41, 43, 44, 45, 46, 55, 56, 76;
96-ҳисобварақлар дебетига

70-
"Хо-
диллар
билан
меҳнат-
га ҳақ
тулаш
бўйича
ҳисоб-
китоб-
лар"

10-
"Ма-
те-
риал-
лар"

12-
"АТБ"

25-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

26-
"Давр
харажат-
лари"

27-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

28-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

29-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

30-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

31-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

32-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

33-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

34-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

35-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

36-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

37-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

38-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

39-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

40-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

41-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

42-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

43-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

44-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

45-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

46-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

47-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

48-
"Умумий
ишлаб
чиқариш
харажат
лари"

Жами:

4.3. Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

09-”Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар”, 19-”Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи”, 61-”Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар”, 63-”Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар”, 64-”Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар”, 67-”Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар”, 68-”Бюджет билан ҳисоб-китоблар”, 73-” Ходимлар билан бош-қа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар”, 75-” Муассислар билан ҳисоб-китоблар”, 76-” Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”, 78-” Шубба корхоналари билан ҳисоб-китоблар”, 79-” Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар”, 97-” Ижарага оид мажбуриятлар” ҳисобварақларида акс эттириладиган ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун 8-журнал-ордер, 7-қайднома, 12-ишланма жадвали, депонентга ўтказилган иш ҳақининг дафтари (реестри) назарда тутилган.

Корхона

19__ йилнинг _____ учун қуйидаги ҳисобварақларнинг
кредити бўйича
8-журнал-ордер

09-”Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар”

19-”Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи”

61-”Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар”

63-”Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар”

64-” Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар”

67-” Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар”

68-” Бюджет билан ҳисоб-китоблар”

73-” Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар”

75-” Муассислар билан ҳисоб-китоблар”

76-” Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”

78-” Шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар”

79-” Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар”

97-” Ижарага оид мажбуриятлар”

8-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

09-хисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига							Хисоб-варақлар кредити буйича жами айланмалар
50- "Касса	51-"Хисоб китоб ва-рағи"	76-"Турли дебитор-лар ва кредитор-лар билан ҳисоб-ки-тоблар"	N ____	N ____	N ____	N ____	
Жами:							
19-хисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисоб-варақлар дебетига							
26-"Давр харажат-лари	29-"Хизма кўрсатув-чи ишлаб чиқариш-лар ва хўжалик-лар"	60-"Маҳ-сулот өткази-берувчи-лар ва пудратчи-лар билан ҳисоб-" китоблар"	68-"Бюд-жет билан ҳисоб-" китоблар"	76-"Турли дебитор-лар ва кредитор-лар билан ҳисоб-" китоблар"	N ____	N ____	N ____
Жами							

Сатр N	Асос (ҳужжат санаси ва рақами)	61-ҳисобварақ кредитидан қуйдаги ҳисобварақлар дебетиغا							Ҳисобва- рақлар кредити бўйича жами айланмалар	
		26- "Давр харажат- лари"	50-"Касса"	51-"Ҳисоб- китоб варағи"	60-"Маҳсу- лот етказиб беришчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар"	63- "Эътирозлар бўйича ҳисоб- китоблар"	N	N	N	N
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
	Жами:									
		63-ҳисобварақ кредитидан қуйдаги ҳисобварақлар дебетиغا								
		20-"Асосий ишлаб чиқариш"	25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари"	26-"Давр харажат- лари"	29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хужалиқлар"	50-"Касса"	51- "Ҳисоб- китоб варағи"	N	N	N
	Жами:									
		64-ҳисобварақ кредитидан қуйдаги ҳисобварақлар дебетиغا								
		50-"Касса"	51-"Ҳисоб- китоб варағи"	N	N	N	N	N	N	N
	Жами:									
		67-ҳисобварақ кредитидан қуйдаги ҳисобварақлар дебетиغا								
		20-"Асосий ишлаб чиқариш"	26-"Давр харажат- лари"	51-"Ҳисоб- китоб варағи"	79- "Ҳужалиқ ичдаги ҳисоб-китоблар"	N	N	N	N	N
	Жами:									

Сатр N	Асос (ҳужжат санаси ва рақами)	68-ҳисобва рақ кредитидан қуйдаги ҳисобва рақлар дебетиға										Кредит ҳисобва рақ- лари бўйича жами алланмалар
		25-"Учу- мий ишлаб чиқариш харажат- лари"	26- "Давр харажат- лари"	46- "Маҳсулот- ларнинг сотилиши"	47-"Асосий воситалар- нинг сотилиши"	48-"Бошқа активлар- нинг сотилиши"	51- "Ҳисоб- китоб ва- рағи"	70-"Ходимлар билан меҳнатға ҳақ тулаш бўйича ҳисоб- китоблар"	81-"Ҳисоб ланган Фойда солиғи"			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11		
	Жами											
		73-ҳисобва рақ кредитидан қуйдаги ҳисобва рақлар дебетиға										
		26-"Давр харажат- лари"	50- "Касса"	51-"Ҳисоб- китоб ва- рағи"	70-"Ходим- лар билан меҳнатға ҳақ тулаш бўйича ҳисоб- китоблар"	84-"Бой- ликларнинг ишдан чиқиши натijasидати камоматлар ва муқотишлар"	93-"Банк ларнинг ходимлар учун кредитлар"	N	N			
	Жами											
		75-ҳисобва рақ кредитидан қуйдаги ҳисобва рақлар дебетиға										
		01-"Асо- сий восита- лар"	04- "Но- мод- дий ак- тивлар"	08-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар"	08-"Капитал маблағ сарфлашлар"	10-"Мате- риаллар"	50-"Касса"	85-"Устав капитали"	87-"Так- симлан- маган фойда"			
	Жами											
		76-ҳисобва рақ кредитидан қуйдаги ҳисобва рақлар дебетиға										
		04-"Но- моддий активлар"	10- "Мате- риаллар"	26-"Давр харажат- лари"	51-"Ҳисоб- китоб ва- рағи"	57-"Пуллик ҳужжатлар"	60-"Махсу- лот-етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб- китоблар"	70-"Ходим- лар билан меҳнатға ҳақ тулаш бўйича ҳисоб- китоблар"	N			
	Жами											

8-журнал-ордернинг давоми

Сатр N	Асос (хуж- жат сана- си ва рақа- рақа- ми)	78-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетиға						Кредит ҳисобва- рақлари буича жами айланма- лар	
		07-"Ўрнати- ладиган ускуналар"	26- "Давр харажат- лари"	50- "Касса"	51-"Ҳисоб китоб варағи"	60-"Маҳ- сулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар"	76-"Турли дебиторлар ва кредитор- лар билан ҳисоб-китоб- лар"		N
	Жами								
		79-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетиға							
		07-"Ўрнати- ладиган ускуналар"	20- "Асосий ишлаб чиқариш"	25- "Умумий ишлаб чиқариш"	26- "Давр харажат- лари"	46- "Маҳсу- лотларнинг сотилиши"	51-"Ҳисоб- китоб ва- рағи"	N	N
	Жами								
		97-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетиға							
		03-"Узоқ муддат- ли ижарага олин- ган асосий воситалар"	80-"Фой- да ва зарарлар"	N	N	N	N	N	N
	Жами								

68, 78, 79-ҳисобварақларга таҳлилий маълумотлар

Таҳлилий ҳисоб моддалари номи	Ой бошидаги сальдо		Ойдаги айланмалар		Ой охиридаги сальдо	
	дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит
68-ҳисобвараққа						
Жами						
78-ҳисобв.						
Жами						
79-ҳисобв.						
Жами						

Журнал-ордер 19__ йил " __ " _____ да тугалланди.
 Бош дафтарда айланмалар суммалари 19__ йил " __ " _____ да акс эттирилди.
 Ижрочилар _____ Бош бухгалтер _____

8-журнал-ордерда 09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар", 19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи", 61-"Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар", 63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар", 64-" Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар", 75-" Муассислар билан ҳисоб-китоблар", 76-" Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақларининг кредити бўйича айланмалар 7-қайднома, депонентга ўтказилган иш ҳақи дафтари (реестри), 12-ишланма жадвали маълумотлари бўйича келтирилади.

68-" Бюджет билан ҳисоб-китоблар", 78-" Шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар", 79-" Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар" ҳисобварақларининг кредити бўйича айланмалар тегишли бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларининг маълумотлари бўйича қайд қилинади. Ушбу ҳисобварақлар бўйича таҳлилий маълумотлар, кўпчилик журнал-ордерлардаги сингари, қисман ана шу ҳужжатларнинг кўрсаткичлари асосида, қисман эса мазкур тавсияномаларнинг "Умумий қоидалар" бўлимида келтирилган тушунтиришларга мувофиқ расшифровкаварақлари бўйича келтирилади.

50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 52-"Валюта ҳисобварағи" ҳисобварақларининг дебети билан ўзаро боғланидиган суммалардан ташқари ўзаро боғлиқликдаги ҳисобварақлар кредити бўйича айланмалар тегишли бирламчи ҳужжатлар маълумотларига мувофиқ акс эттирилади. 50-, 51-ва 52-ҳисобварақларнинг дебети билан ўзаро боғланидиган суммалар 1 ва 2-қайдномаларнинг маълумотлари бўйича ой учун яқунлар билан кўрсатилади.

7-қайдома. "Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби"

Ой бошидаги сальдо	Дебет бўйича айланмалар						Кредит бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебетига айланмалар												Ой охиридаги қолдиқ						
	де-бет	кре-дит	асо-сий	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	
PT-12																									
PT-12																									
PT-12																									
PT-12																									
Ҳисобварақлар бўйича жами																									
PT-12																									
PT-12																									
PT-12																									

7-қайднома ҳисоб-китоблар таҳлилий ҳисобининг регистри ҳисобланади, йил чораги, ярим йиллик ёки бир йил учун очилади (корхона бухгалтерия хизматининг хоҳишига қараб). Йил чораги, ярим йиллик ёки бир йилдаги бўлиши мумкин операциялар сонига қараб ҳар бир дебитор ёки кредитор учун бир неча сатр, шу жумладан ҳисобот ойлари учун ҳам сатрлар ажратилади.

7-қайдномадаги ёзувлар, одатда, бошланғич ҳужжатлар ёки ихтисослаштирилган варақча (карточка)лар (12-ишланма жадвали) маълумотлари бўйича амалга оширилади.

Ҳамма ҳолларда ҳам 7-қайдномада ҳисобварақлар кредити бўйича айланмалар суммалари 8-журнал-ордер учун зарур жамлама маълумотларни таъминлаш учун дебет қилинадиган ҳисобварақлар билан ўзаро боғлиқликда акс эттирилиши лозим.

Ойнинг охирида ҳамма айланмалар бўйича яқунлар ва алоҳида дебиторлар ва кредиторлар ва бутун қайднома бўйича навбатдаги ой бошидаги сальдо чиқарилади. Бутун қайднома бўйича ой учун ҳисобварақлар кредити бўйича якуний ёзувлар ўзаро боғлиқликдаги ҳисобварақлар бўйича 8-журнал-ордерга қўчирилади.

Ўз вақтида берилмаган иш ҳақи суммалари бўйича депонентлар билан ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ҳисоби учун намунавий 8-а-шаклидаги дафтар ёки 11-ишланма жадвали сифатида тавсия қилинган ихтисослаштирилган реестр қўлланилиши мумкин.

Ушбу регистрларга тушунтиришлар 3-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби” бўлимида келтирилган.

2-ишланма жадвал
Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар таҳлилий ҳисобининг варақча (карточка)лари

Операция мундари	Ой бошидаги сальдо		Дебет бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитига айланмалар						Кредит бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебетига айланмалар						Ой охиридаги сальдо									
	Дебет	Кредит	19	47	51	80	N_	N_	N_	19	26	46	47	48	70	75	80	81	N_	N_	Дебет	Кредит		
Жами																								
Ҳисобварақ																								
Жами																								
Ҳисобварақ																								
Жами																								
Ҳисобварақ																								
Жами																								

5. МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

5.1. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1995 йил 27 январда 9-сон билан тасдиқлаган ва 1995 йилнинг 1 январидан амалга киритилган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги амалдаги Низом, шунингдек ана шу Низом асосида ишлаб чиқилган харажатларни ҳисобга олиш тўғрисидаги тармоқлар йўриқномаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши керак.

Бундай ҳисобни ташкил этишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш тавсия этилади:

- унча катта бўлмаган корхоналарда асосий ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма ҳисобини цехларга бўлмасдан умуман корхона бўйича буюмлар (буюртмалар) бўйича юритиш мумкин. Бундай тартиб бир хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган ёки цехлар бўйича фақат таннархнинг алоҳида элементларини режалаштирадиган корхоналар томонидан ҳам қўлланилиши мумкин;

- моддий бойликларнинг амалдаги таннархининг ишлаб чиқариш ва умумий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқаришдаги бракни тузатишга ва келгуси даврлар харажатлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларга сарфланган материалларга тегишли уларни ҳисобга олиш нархларидан фарқлари тўлалигича бевосита 20-”Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ўзларининг ишлари ва хизматларининг катта қисмини четга кўрсатадиган корхоналарда ушбу ишлаб чиқаришларнинг сарфлаган материаллари бўйича фарқлар ёки транспорт-тайёрлов харажатларини уларнинг харажатларига киритиш керак бўлади;

- ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби цехлар бўйича юритиладиган ҳолларда умумий ишлаб чиқариш харажатлари, келгуси давр харажатлари ва энди бўладиган харажатлар ва тўловлар захираларининг таҳлилий ҳисоби (калькуляция қилинадиган объектлар номенклатураси чекланган бўлганида ва ишлаб чиқариш учун бевосита харажатларнинг маҳсулотлар турлари ёки гуруҳлари бўйича ҳисоби) бутун корхона бўйича ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари аниқлангунигача тугалланиши зарур. Корхона бўйича ишлаб чиқариш харажатлари бундай ҳолда таҳлилий ҳисобнинг зарур маълумотларини жамлаш йўли билан белгиланади;

- ёзувларнинг ягона тизимида ишлаб чиқариш харажатларига доир таҳлилий маълумотларни ва корхона бўйича талаб этиладиган жамлама маълумотларни олиш мақсадида таҳлилий ҳисобга оид ёзувлар ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар (20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари", 31-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварақлари) нинг дебетига киритиладиган суммалар ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар (10-"Материаллар", 12-"Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар" ҳисобварақлари), ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга ва ижтимоий суғуртага доир ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар", 69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари), бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи) ва шу кабиларнинг кредитидан ўтказиладиган суммалар шундай тартибда кўрсатилади. Шу билан бирга қайсидир журнал-ордерда (масалан, касса, ҳисоб-китоб ва валпота ҳисобварақларини ҳисобга олиш бўйича) акс эттирилган сумма-

лар ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисоб-варақларининг дебети бўйича ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича бўлмасдан келтирилади;

- бугун корхона бўйича ишлаб чиқаришнинг ҳамма харажатлари, уларнинг қайси жамлама ҳисобварақларда ҳисобга олиниши кераклигидан қатъи назар, бир регистрда акс эттирилади (ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича). Шунинг билан ишлаб чиқариш харажатлари уларнинг элементлари бўйича ва маҳсулотнинг харажатларнинг калькуляция моддалари бўйича амалдаги таннархи қўшимча танловсиз бевосита ҳисобга олиш маълумотлари бўйича белгиланиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби цехлар бўйича юритилганида шунга тегишлича у ёки бошқа цехнинг фаолиятига тегишли ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари ҳам бир регистрда ўз аксини топади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда хўжалик операциялари 02-“Асосий воситаларнинг эскириши”, 05-“Номоддий активларнинг эскириши”, 10-“Материаллар”, 12-“Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар”, 13-“Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмларнинг эскириши”, 15-“Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши”, 19-“Сотиб олинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи” (материаллар қонунларга кўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ҳолларда), 31-“Келгуси даврлар харажатлари”, 69-“Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар”, 70-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ва шу каби ҳисобварақлар кредити бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар дебети билан ўзаро боғланишда бир тизимга солинади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун қуйидаги регистрлар қўлланилади:

- 12-қайднома - цехлар бўйича умумий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун;

- 10-журнал-ордер - ишлаб чиқариш харажатларини

ҳисобга оладиган ҳисобварақлар билан ўзаро боғланидиган ҳисобварақлар кредити бўйича айланмаларни ҳисобга олиш учун.

Асосий воситалар, номоддий активлар ҳамда арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар эскиришнинг ҳисоб-китобларини ўтказиш учун 6 ва 8-ишланма жадвалларидан фойдаланиш мумкин.

12-қайднома
 19 _____ йилнинг _____ учун
 цехлар бүйича умумий ишлаб чиқариш харажатлари

Харажат моддалари	Қўйидаги ҳисоб- варақлар дебетига	Қўйидаги Ҳисобварақлар кредитидан										Бошқа журнал- лардан турли суммалар	Жами					
		02	50	10-1	10-3	10-5	13	23	25-1	25-2	60			69	70			
		Ускуналарни тутиб туриш харажатлари																
Ускуналардан фойдаланиш харажатлари																		
Ускуналар амортизацияси																		
Умумий ишлаб чиқариш ходимларини тутиб туриш харажатлари																		
Бракни тузатиш харажатлари ва тузалмайдиган брақдан кўрилган зарарлар																		
Бошқа умумий ишлаб чиқариш харажатлари																		
25-ҳисобварақ бүйича жами																		

Бир ой учун очиладиган 12-қайдномада цехлар бўйича умумий ишлаб чиқариш тусидаги харажатлар ҳисобга олинади. Алоҳида цехлар бўйича харажатларни акс эттириш учун суқма варақлар ишлатилади.

12-қайдномада ҳар бир алоҳида цех бўйича унинг фаолиятига тегишли ҳамма харажатлар қуйидаги тартибда акс эттирилади:

- асосий ёки ёрдамчи ишлаб чиқаришлар эҳтиёжлари учун ишлатиладиган ускуналарни тутиб туриш ва фойдаланиш харажатлари - умуман ёки тақсимлаган ҳолда ёхуд, агар маҳсулотлар номенклатураси уч ном билан чекланса, маҳсулотлар, буюртмалар гуруҳлари бўйича;

- умумий ишлаб чиқариш ходимларини тутиб туриш ва бошқа умумий ишлаб чиқариш харажатлари - таҳлилий ҳисоб моддалари бўйича (харажатларнинг қайси цех бўйича акс эттирилишига қараб);

- бракни тузатиш харажатлари ва тузалмайдиган бракдан кўрилган зарарлар

- бошқа умумий ишлаб чиқариш харажатлари.

Ҳар бир цехнинг кассадан, ҳисобдор шахслар ёки банк орқали ҳақ тўланганидан ташқари умумий ишлаб чиқариш харажатлари, чет ташкилотлар хизматларининг қиймати, шунингдек ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжларига сарфланган тайёр маҳсулотлар қиймати ҳақидаги ёзувлар 12-қайдномада ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича келтирилади.

Сарфланган моддий бойликлар ҳақидаги маълумотлар қайдномада уларнинг амалдаги таннархидан фарқлар акс эттирилгани ҳолда ҳисобга олиш нархлари бўйича кўрсатилади.

Моддий бойликлар харажатлари қайдномада цехлар бўйича амалда сарфланган бойликлар миқдорида акс эттирилади. Бундай харажатлар ҳисобот ойида омборлардан ёки бошқа цехлардан келиб тузган моддий бойликлар қийматидан цехда ой бошида ишлатилмай қолган бойликлар қиймати қўшилиб ва омборларга қайтарилган, бошқа цехлар ва шу кабиларга берилган ёки ой

охирида цехда ишлатилмай қолган моддий бойликлар қиймати чегириб ташланиб ҳосил қилинади.

Сарфланган моддий бойликларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ва иш ҳақи суммалари регистрларда бошланғич ҳужжатларнинг ишланмалари асосида акс эттирилади.

Иш ҳақи суммасига фоизларда белгиланадиган ижтимоий суғуртага ажратмалар суммасини белгилаш учун қўшимча маълумотларни тўлдирмасдан қайдномаларда келтирилган иш ҳақи тўғрисидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

ЎзР Молия вазирлигининг рухсати бўйича шакллантириладиган ва жорий ой харажатларига ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларини ишчи ҳолатида тутиб туриш харажатларини қоплаш учун захира суммалари меъёрга биноан таъмирлаш ишлари учун харажатлар асосида белгиланади. Қайдномада захираларнинг умумий суммаси қайд қилинади.

Цехлараро хизматлар қиймати 9-ишланма жадвал маълумотлари асосида акс эттирилади.

Ҳисобот ойдаги ишлаб чиқариш харажатларига киритиладиган улушдаги келгуси даврлар харажатлари қайдномада белгиланган ҳисоб-китоб меъёрлари асосида кўрсатилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқча миқдорлари, шунингдек тугалланмаган ишлаб чиқариш камомадларидан йўқотишлар, бракдан ва ярим тайёр маҳсулотлар, деталлар ва узелларнинг бузилишидан йўқотишлар тегишли бошланғич ҳужжатлар (йўқлама қилиш қайдномалари, далолатномалар ва шу кабилар)нинг маълумотлари бўйича келтирилади.

Ишлаб чиқариш харажатларига киритиладиган кассадан, банк ёки ҳисобдор шахслар орқали қилинган харажатлар, бошқа ташкилотлар хизматларининг қиймати, электр энергияси, сув ва шу кабиларнинг қиймати, шунингдек ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилган тайёр буюмлар қиймати 12-қайдномада

“Журнал-ордерларда акс эттирилган турли суммалар” устуни бўйича тегишли журнал-ордерларнинг варақ-расшифровкалари маълумотлари асосида кўрсатилади.

Умумий ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қандайдир бухгалтерлик ҳужжатларини тўлдирмасдан бевосита қайдномада аниқланган маълумотлар бўйича қиритилади.

Шуни назарда тутиш керакки, бундай харажатлар маҳсулот (иш, хизмат)лар турлари бўйича уларнинг ишлаб чиқариш таннархини белгилаш учун тегишли ҳисоб-китобни тузиш йўли билан ҳисобланган иш ҳақиға муносиб равишда тақсимланади (ёки тақсимлаш учун бошқа негизлар қўлланилади).

Умумий ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш
ҳисоб-китоби

Маҳсулот номи	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақи	Тақсимлаш коэффициенти	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари

Қайдномада умумий қорхона (ёки қайдномага киритилган цехлар гуруҳлари) бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари асосида келтирилади. Бундай маълумотлар қайдномада алоҳида цехлар бўйича чиқарилган яқунларнинг ҳисоб-китоби асосида белгиланади.

12-қайдномада ҳисоблаб чиқилган ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги йиғма маълумотлар 10-журнал-ордерга ўтказилади.

12-қайдномада, шунингдек 28-“Ишлаб чиқаришдаги брак”, 31-“Келгуси даврлар харажатлари” ва 89-“Навбатдаги харажатлар ва тўловлар захираси” (агар бундай фонднинг ташкил этилишига Молия вазирлиги томони-

дан рухсат берилган бўлса) ҳисобварақларида акс эттириладиган харажатлар ҳам ҳисобга олинади. Кўрсатилган ҳисобварақлар кредити бўйича айланмалар ҳам ана шу қайдномада акс эттирилади.

28, 31 ва 89-ҳисобварақлар дебети бўйича акс эттириладиган харажатлар 12-қайдномада таҳлилий ҳисоб ва ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари моддалари бўйича кўрсатилади, кассадан, банк ёки ҳисобдор шахслар орқали қилинган харажатлар суммалари, бошқа ташкилотлар хизматларининг қиймати тайёр буюмлар қиймати бундан мустаснодир.

28, 31 ва 89-ҳисобварақлар кредити бўйича айланмалар ҳисобга олиш харажатларининг камайтирилиши учун ажратиладиган суммалари қисмида таҳлилий ҳисоб моддалари бўйича келтирилади, бошқа ҳисобварақларга ёзиладиган суммалар қисмида эса тақсимлаш (бошқа ишлаб чиқариш ҳисобварақларига ўтказишлар) ёки захираларнинг ҳосил қилиниши тартибида - яқун тарзида жамлама ҳисобварақ бўйича келтирилади. Ҳар икки ҳолда ҳам бундай ёзувлар ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича бўлинмасдан келтирилади.

Ушбу ҳисобварақлар кредити бўйича айланмалар 20- "Асосий ишлаб чиқариш", 23- "Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 25- "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ва 26- "Давр харажатлари" ҳисобварақларининг дебети билан ўзаро боғланишда 12 ва 15-қайдномаларда акс эттирилади. 12-қайднома маълумотлари 10-журнал-ордерга ўтказилганидан сўнг 28, 31 ва 89-ҳисобварақлар бўйича кредитга доир айланмалар ҳам ишлаб чиқариш ҳисобварақларининг дебети билан ўзаро боғланишда акс этилади.

19 _____ йилнинг _____ учун
қуйидаги ҳисобварақларнинг кредити бўйича

10-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

- 02 - "Асосий воситаларнинг эскириши"
- 05 - "Номоддий активларнинг эскириши"
- 10 - "Материаллар"
- 12 - "Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар"
- 13 - "Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши"
- 20 - "Асосий ишлаб чиқариш"
- 21 - "Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар"
- 23 - "Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар"
- 25 - "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари"
- 26 - "Давр харажатлари"
- 28 - "Ишлаб чиқаришдаги брак"
- 29 - "Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар"
- 31 - "Келгуси даврлар харажатлари"
- 65 - "Мулкӣ ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар"
- 69 - "Шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар"
- 70 - "Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар"
- 84 - "Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги йўқотишлар ва камомадлар"

2. Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий унсурлар бўйича ҳисоб-китоби

N	Кўрсаткичлар номи	Ишлаб чиқариш-моддий харажатлар					АТБ-нинг эскириши	Жами моддий харажатлар	Ишлаб чиқариш тусидаги меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар	Ижтимоий сугуртага ажратмалар	Асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси	Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.
		10-1	10-3	10-5	3	4						
1	2											
1	Иқтисодий унсурлар бўйича жами харажатлар (1-булимга биноан)											
2	Кўшилади: 84-ҳисобварақдан 25-ҳисобвараққа ҳисобдан чиқарилган хом ашё ва материаллар											
3	Завод ичидаги айланма сифатида чиқариб ташланади: 20, 23, 28-ҳисобварақлардан кирим қилинган материаллари чиқиндилари қиймати											
4	Ишлаб чиқариш ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилган ўзи ишлаб чиқарган тайёр буюмлар қиймати											
5	Ўзи ишлаб чиқарган арзон-баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши											
6	Материаллар ҳисобварақига ҳисобдан чиқарилган ўз транспорт хизматлари											
7	Хом ашё ва материаллар ҳисобварақига ёзиб қўйилган иш ҳақи суммаси хом ашё ва асосий материалларга доир харажатлар суммасидан чиқариб ташланади ва иш ҳақига қўшилади.											
8	Ишлаб чиқариш харажатлари унсурлар бўйича (завод ичидаги айланмасиз)											
	Йил бошидан бери ой учун											

3. Товар махсулоти ишлаб чиқариш таннархининг ҳисоб-китоби

N	Харажатларнинг калькуляция моддалари	Хом ашё ва материаллар	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг қўшимча иш ҳақи	Ижтимоий сугуртага ажратмалар	Ускуналарни тутиб туриш ва фойдаланиш харажатлари	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	Бракдан йўқотишлар	Жами
1	20-ҳисобварақ дебети бўйича харажатлар								
2	Харажатлар моддалари, бўйича ўзгартиришлар; тузатилмайдиган брак билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатларига (-)								
3	Бракни тузатишга ажратилган суммалар (+)								
4	Қўлматли чиқиндилар қиймати (-)								
5	Тугалланмаган асосий ишлаб чиқариш қолдиғи: ой бошида (+) ой охирида (-)								
6	Асосий ишлаб чиқариш товар махсулотининг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи								
7	Бракка чиқарилган тайёр буюмлар қиймати (-)								

10-журнал-ордер моддий бойликларнинг (10-"Материаллар" ва 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварақлари), арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши (13-ҳисобварақ), ижтимоий сугурта бўйича ҳисоб-китоблар (69-ҳисобварақ), ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар (70-ҳисобварақ), навбатдаги харажатлар ва тўловлар захираси (89-ҳисобварақ), ишлаб чиқариш харажатлари (20, 23, 25 ва 31-ҳисобварақлар) ва бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар (84-ҳисобварақ)нинг ҳисобга олиниши учун мўлжалланган ҳисобварақлар кредити бўйича айланмаларни аниқлаш учун уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобварақлари билан ўзаро алоқадорлигида қўлланилади. Ишлаб чиқаришни ҳисобга олишнинг ярим тайёр маҳсулотли вариантыда ушбу журнал-ордерда шунингдек 21-"Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағи кредитига доир айланмалар ҳам акс эттирилади. Аини бир вақтда 10-журнал-ордер умумий корхона бўйича ишлаб чиқариш харажатларини харажатлар унсурлари ва харажатларнинг калькуляцияли моддалари бўйича умумлаштириш учун мўлжалланган.

10-журнал-ордерга ёзувларни ёзиш учун 12-қайдноманинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларининг харажатлари ҳақидаги маълумотлари ва 14-қайдноманинг умумий ишлаб чиқариш мақсадидаги харажатлари ҳақидаги маълумотлари асос бўлиб ҳисобланади.

12-қайдномадан бу журнал-ордерга "Жами ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича" устунда кўрсатилган якуний маълумотлар ўтказилади. Қайдномалар цехлар ёки цехлар гуруҳлари бўйича тузилганида маълумотлар ҳар бир тегишли қайдномадан алоҳида тарзда ўтказилади. Агар асосий ишлаб чиқариш харажатлари қайдномаларда калькуляция қилинадиган объектлар бўйича келтирилган бўлса, бундай харажатлар журнал-ордерда ҳам шундай бўлинишда акс эттирилади. Бундай мақсад учун 10-журнал-ордерда 20, 23 ва 25-

ҳисобварақлар дебети бўйича ёзувлар учун махсус сатрлар назарда тутилган.

Корхона ишлаб чиқарган товар маҳсулотининг иқтисодий унсурлари ва ишлаб чиқариш таннархи бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги барча ҳисоб-китоб, шунингдек пировард кўрсаткичлар 10-журнал-ордерда бир хил номдаги махсус жадвалларда кўрсатилади.

“Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий унсурлар бўйича ҳисоб-китоби” ва “Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархининг ҳисоб-китоби” жадвалларини тузиш учун ушбу журнал-ордернинг 1-“Ишлаб чиқариш харажатлари” жадвалида ёзилган маълумотлар, яъни ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади. Жадвалларнинг айрим кўрсаткичлари журнал-ордерга ёрдамчи қайдномалар ёрдамида ҳисоб-китоб йўли билан ёки тегишли бошланғич ҳужжатлар бўйича белгиланади.

Шуни назарда тутиш керакки, “Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий унсурлар бўйича ҳисоб-китоби” жадвалида ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар таннархи (ишлаб чиқаришни ҳисобга олишнинг ярим тайёр маҳсулотли вариантыда) ва завод ичидаги айланма сифатида чиқариб ташланиши лозим бўлган тайёр буюмлар таннархи 21-“Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” ва 40-“Тайёр маҳсулот” ҳисобварақлари кредити бўйича 20-“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи билан ўзаро алоқадорликда кўрсатилган суммада қабул қилинади. Кириш қилинган ортиқча моддий бойликлар қиймати 12 ва 14-қайдномаларда кўрсатилган суммада қабул қилинади. Ўзи ишлаб чиқарган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши суммаси ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

“Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархининг ҳисоб-китоби” жадвалидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқча миқдорлари ёки камомадлари, ишлаб чиқаришдаги брақдан йўқотишлар ва шу кабилар 14-

қайднома маълумотлари бўйича кўрсатилади; қимматли чиқиндилар қиймати - бошланғич ҳужжатлар маълумотлари бўйича; тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ой охиридаги қолдиғи - йўқламадан ўтказиш қайдномалари маълумотлари ёки ҳисобга олиш маълумотлари бўйича кўрсатилади.

**6-ишланма жадвал
Асосий воситалар (02-хисобварақ кредити) ва номоддий активлар (05-хисобварақ кредити) эскиришининг
хисоб-китоби**

N	Асосий воситалар гуруҳлари (амортизация меъраплари бўйича гуруҳланишда)	Амортизация рақамлари (ойлик), %	Объектнинг қиймати	Амортизация суммаси	Асосий цехлар (25.1-хисобварақ)		Ерданчи цех (23-хисобварақ)		Бошқарув аппарати	
					Объект қиймати	Амортизация суммаси	Объект қиймати	Амортизация суммаси	Объект қиймати	Амортизация суммаси
	Келиб тушди:									
1										
2										
3										
	Жами келиб тушди									
	Чикиб кетди:									
1										
А. Утган ойда келиб тушган ва чиқиб кетган объектлар бўйича										
Б. Хамма объектлар бўйича (келиб тушган, чиқиб кетган ва утган ойнинг бошида қолганлари бўйича)										
	Жами келиб тушган									
	Чикиб кетгани									
	Утган ойда қисобланган, +									
	шу жумладан, 25-хисобварақ бўйича									
	хисобот даврида акс эттириш учун									
1						Номоддий активлар				
2										
3										
4										
5										
	Жами									

8-ишланма жадвал
19__ йилнинг ___ учун

арзон баҳоли ва тез эскирайдиган буюмлар эскиришининг ҳисоб-китоби

Цех N	А кичик бўлими бўйича Ишлаб чиқарилган маҳсулот гуруҳи	Улар сони ёки қиймати	Фойдаланиш буюмларининг эскириши			Чиқиб кетган буюмлар қиймати	Чиқиб кетишдаги қайтаришлар сўммаси	Эскиришнинг кўпайишига (+) ёки камайишига (-)	Буюмларнинг модернизациса сабабли чиқиб кетган буюмлар бўйича йўқотишлар
			Фойдаланиш буюмларининг эскириши	Хисобот оиди учун	Меъёр				
	Б кичик бўлими бўйича Фойдаланиш буюмлари гуруҳи	Баланс қиймати	2	3	4	5	6	7	8
	А	1							
А. Махсус схемали ускуналар, асбоблар, мосламалар бўйича (эскириш ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига қараб ҳисобланадиганлари)									

Б. Арзон баҳоли бошқа нарсалар бўйича

Сатр N	Дебетга		Цех (хўжалик N)	Асос (10-қайд-нома ёки 11-қайд-нома)	Махсус молиялаш манбалари ҳисобига харид ва қилинган ва фойдаланиш учун тегишли хўжаликларга берилган нарсалар қиймати	Қолган барча нарсаларнинг ҳисобга олиш қиймати					
	Ҳис. вар. N	Модда N				фойдаланишга берилган	фойдаланишдан чиқиб кетган	ш.ж. темир-тер- сак, латта-пут- та ва 'ҳоказо тарзида қабул қилинган нарсалар- дан ижтимоий фойдала- ниш нарсалари бўйича қиймати	ш.ж. темир-тер- сак, латта-пут- та ва 'ҳоказо тарзида қабул қилинган нарсалар- дан ижтимоий фойдала- ниш нарсалари бўйича қиймати	ш.ж. темир-тер- сак, латта-пут- та ва 'ҳоказо тарзида қабул қилинган нарсалар- дан ижтимоий фойдала- ниш нарсалари бўйича қиймати	ш.ж. темир-тер- сак, латта-пут- та ва 'ҳоказо тарзида қабул қилинган нарсалар- дан ижтимоий фойдала- ниш нарсалари бўйича қиймати
						1	2	3	4	5	6
	A	B	B	Г							

9-ишланма жадвал

1. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ишлаб чиқарган маҳсулот (хизматлар)нинг ҳақиқий таннархи ҳисоб-китоби ва унинг режадаги таннархи

Кўрсаткич	Ўзининг харажатлари	Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги			Кўрсатилган хизматлар таннархи	
		ой бошига	ой охирига	режадаги (меъёрий)	ҳақиқатда	
1. Моддий харажатлар						
2. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари						
3. Ижтимоий сугурта фондига ажратмалар						
4. Амортизация						
5. Бошқа харажатлар						
Жами						

2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар хизматларини тақсимлаш

N	Жамлама ҳисоб- варақ	Таҳли- лий ҳисоб мод- даси	Цех	Маҳсулот (хизматлар) номи		Таннарх	
				миқ- дори	ҳақиқий таннар- хи	ҳақи- қатда	режада (меъ- ёрий)
	Жами						

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг калькуляцияси

(меҳнат бирлиги қиймати 0,01 га қадар аниқликда пул birlikларида,
 бутун ишлаб чиқарилгани қиймати пул birlikларида кўрсатилади)

N	Харажат моддалари	А маҳсулот				Б маҳсулот	
		бир бирлиги қиймати		барча маҳсулот-нинг ҳақиқий қиймати		бир бирлиги қиймати	
		режада	ҳақиқатда	режада	ҳақиқатда	режада	ҳақиқатда
1	Хом ашё ва материаллар						
2	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи						
3	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг кўшимча иш ҳақи						
4	Сугурта фондларига ажратмалар						
5	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари						
	Жами						
	Таннарх - жами						
	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона						
	Бир birlik учун сотиш нархи						

		Харажат моддалари номи							Оборотлар				
Кўрсаткич	Хом ашё ва материаллар	ишлаб чиқа-ришдаги ишчи-ларнинг асосий иш ҳақи (муко-фотлар билан)					кў-шим-ча иш ҳақи	ижти-моий суғур-та фон-дига ажрат-малар	умумий ишлаб чиқариш харажат-лари	брак тала-фот-лари	бошқа хара-жатлар	де-бет учун	кре-дит учун
		асосий хом ашё	ёрдам мате-риал-лари	ёрдм мате-риал-лари	бутлов.. мате-риал-лари	ва ҳ.к.
Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш													
харажатлар _____ га													
Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот													
Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш													

6. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, ТОВАРЛАРНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ВА СОТИШНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

6.1. Тайёр маҳсулотлар, товарларни юклаб жўнатиш ва сотишни ҳисобга олиш

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни юклаб жўнатиш, бериш (сотиш тартибида) ва сотиш операцияларини ҳисобга олиш учун қуйидаги регистрлар мўлжалланган: 15,16-қайдномалар ва 11-журнал-ордер.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни юклаб жўнатиш, бериш (сотиш тартибида) ва сотиш операцияларини ҳисобга олишни ташкил этишда қуйидагиларни эътиборда тутиш зарур.

Корхоналарда юклаб жўнатилган ёки берилган (сотиш тартибида) тайёр маҳсулотнинг режадаги (меъёрий) таннархи ёки ўртача харид нархлари бўйича қиймати ҳар бир фактура-ҳисобварақ бўйича эмас, балки ой учун миқдорий маълумотлар доирасида ҳисоблаб чиқарилиши керак. Бунинг учун тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ёки беришга (сотиш тартибида) доир миқдорий ва қиймат маълумотлари одатда, бир регистрда жамлаб бўрилади.

Корхоналарда маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши ҳажми товар-моддий бойликлар сотилишига (юклаб жўнатилиши, берилишига) қараб ёки улар ҳақи тўланганидан сўнг белгиланади.

Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи қуйидаги тартибда аниқланади: юклаб жўнатилган товарларнинг ҳақиқий таннархидан ой охирида ҳақи тўланмаган маҳсулот ва моддий бойликларнинг таннархи олиб ташланади ва ой бошида юклаб жўнатилган товарлар ҳақи тўланмаган қолдигининг таннархи қўшилади.

Ҳисобни соддалаштириш мақсадида ой охирида юк-лаб жўнатилган (харидорлар томонидан ҳақи тўланма-ган) товарлар қолдигининг ҳақиқий таннархи йил даво-мида (декабрдан ташқари) ой охирида тўланмаган фак-тура-ҳисобварақларига биноан, сотиш нархлари бўйича мазкур қолдиқнинг қиймати асосида белгиланиши мум-кин: тўланмаган фактура-ҳисобварақлар бўйича сумма йил бошидан юкланган ва берилган маҳсулот ҳамда моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи билан сотиш нархлари бўйича қийматининг фоизли нисбатига биноан тузатилади. Декабрь учун юклаб жўнатилган товарлар қолдигининг ҳақиқий таннархи бевосита ҳисоб-китоб билан белгиланади, бунда ҳақи тўланмай қолган маҳсу-лот ва моддий бойликлар турлари (номлари) ҳамда улар-нинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қийматидан келиб чиқилади.

Агар юклаб жўнатилган товарлар таркибида рентабел-лиги анча тафовутли буюмлар мавжуд бўлса, юклаб жўнатилган товарлар қолдигининг ҳақиқий таннархини белгилашнинг мазкур тартиби йил учун эмас, балки чорак доирасидагина қўлланиши мумкин.

Сотилган маҳсулотнинг режадаги (меъёрий) таннархи йил давомида (декабрга қадар) сотилган товар маҳсуло-тининг ҳақиқий таннархини юклаб жўнатилган товар маҳсулоти режадаги (меъёрий) таннархининг унинг ҳақиқий таннархига фоизли нисбатига тузатиш орқали белгиланади.

Агар корхонада тайёр буюмларнинг таҳлилий ҳисоби ўртача харид нархлари бўйича олиб борилса, сотилган товар маҳсулотининг ҳақиқий таннархи ишлаб чиқарил-ган маҳсулот режадаги (меъёрий) таннархининг унинг ҳақиқий таннархига фоизли нисбатига қараб тузатилиши мумкин.

Йил охирида йил давомида юклаб жўнатилган маҳсу-лотнинг режадаги (меъёрий) таннархи тўғрисидаги ва йил боши ҳамда охирида юклаб жўнатилган, бевосита ҳисоб-китоб йўли билан ҳисоблаб чиқарилган товарлар

қолдигининг режадаги (меъерий) таннархи тўғрисидаги маълумотлар бўйича бир йилда сотилган товар маҳсулотнинг режадаги (меъерий) таннархи белгиланади. Режадаги (меъерий) таннархнинг ана шу суммасидан 11 ой ичида сотилган, юқорида кўрсатилган ҳисоб-китоб йўли билан ҳисобланган товар маҳсулотни чиқариб ташлаб, декабрда акс эттириладиган, сотилган товар маҳсулотнинг режадаги (меъерий) таннархи суммаси аниқланади. Бу билан йил давомида сотилган товар маҳсулотнинг режадаги (меъерий) таннархини аниқ акс эттириш имконияти таъминланади.

15-қайдномада 26-”Давр харажатлари” ҳисобварағида акс эттириладиган харажатлар ҳисобга олинади.

26-ҳисобварақ дебитида акс эттириладиган харажатлар қайдномада таҳлилий ҳисоб ва боғланувчи ҳисобварақлар моддалари бўйича кўрсатилади, бу хил харажатларнинг кассадан, банк ёки ҳисобдор шахслар орқали амалга ошириладиган суммалари ҳамда чет ташкилотлар хизматлари ва тайёр буюмлар қиймати бунга кирмайди. Тайёр буюмлар 15-қайдномада фақат таҳлилий ҳолатда келтирилади, ўзаро боғланувчи ҳисобварақлар бўйича ажратиб кўрсатилмайди.

26-ҳисобварақ дебити бўйича оборотларни ёзиш учун 12-қайдномани тўлдиришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоб-китобларнинг ўзи асос бўлиб хизмат қилади.

Қайдноманинг махсус бўлимида 26-ҳисобварақ кредити бўйича оборотлар келтирилади.

	26-хисобарак дебети бўйича оборотлар ҳўйидаги ҳисобварақлар кредитидан										Бошқа журнал-ордерлардан суммалар		Ой учун кредит бўйича оборот	
											N			Ой учун жами
	02	05	10	12	13	23	69	70	76	N	N			
Таҳрилий ҳисоб моддаси														
1. Сотиш (реализация) харажатлари														
- Моддий харажатлар														
- Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари														
- Икклисий ажратималар харажатлари														
- Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси														
- Бошқа харажатлар														
2. Маъмурий харажатлар														
- Моддий харажатлар														
- Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари														
- Икклисий ажратималар харажатлари														
- Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси														
- Бошқа харажатлар														
3. Бошқа умумқўшмақ ва операциялар харажатлари														
- Моддий харажатлар														
- Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари														
- Икклисий ажратималар харажатлари														
- Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси														
- Бошқа харажатлар														
4. Келгусида солиққа тортилмадиган базадан чиқарилмадиган ҳисобот даври харажатлари														
- Моддий харажатлар														
- Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари														
- Икклисий ажратималар харажатлари														
- Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси														
- Бошқа харажатлар														
26-хисобварақ бўйича жами.														

16-қайднома

1. Тайёр буюмлар харакатини ҳисобга олиш, тайёр маҳсулот ва моддий бойликларни юклаб жўнатиш ҳамда сотиш

N	Кўрсаткич	А маҳсулот		Б маҳсулот		Умумий сумма	
		ҳисоб нархлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича	ҳисоб нархлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича	ҳисоб нархлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича
1	Ой бошидаги қолдиқ						
2	Ишлаб чиқаришдан келиб тушди						
3	Бошқа тушумлар						
	Қолдиқ билан жами тушумлар						
4	Қолдиқнинг ҳақиқий таннархи билан ишлаб чиқаришдан келиб тушган тайёр буюмларнинг уларнинг ҳисоб нархлари бўйича қийматига нисбати, %						
5	Сотиш тартибида юклаб жўнатилди ва берилди						
6	Ой охиридаги маҳсулот қолдиғи						

2. 19 ____ йил _____ учун маҳсулот, мол-мулк ва моддий бойликларни юклаб жўнатиш, бериш ва сотиш

N	Ҳисоб-варақасана-си	Тўлов топшириги та-лаб-нома-си	Буюртмачи, харидор	Маҳсулотлар номи ёки гурӯҳларига кўра миқдори						Тўлов ҳужжатлари бўйича суммалар						Тўлангани тўғрисида белги			
				Буюм			бошқа сотиш			тайёр буюм-лар учун	транспорт харажат-лари	жа-ми	ҚҚС	ҳам-ма-си	ҳисоб-китоб-варағи*	бошқа ҳисоб-варақлар	век-сель		
				A	B	Г	46	46	46									47	48
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1																			
2																			
				Жами															
				Бериш нархлари бўйича															
				Ҳақиқий таннархи бўйича															

Асосий маҳсулот сотилиши

				Жами юклаб жўнатилгани																
				Бериш нархлари бўйича																
				Ҳақиқий таннархи бўйича																
				_____ ойида сотилган																
				Бериш нархлари бўйича																
				Ҳақиқий таннархи бўйича																
				Ой охирида бериш нархлари бўйича қолдиги																
				Ҳақиқий таннархи бўйича																

3. Тўланган, ҳисобдан чиқарилган, ҳақи тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган суммалар бўйича йиғма маълумотлар

3.1. Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари бўйича ҳисобдан чиқариш ҳақи

	Дебетланадиган ва кредитланадиган ҳисобварақлар номи	Қайднома бўйича жами	
		ҳисобот оий учун	ўтган оий учун
	45-ҳисобварақ кредитидан (сотув бўйича оборот сифатида акс эттирилмайдиган суммалар) қуйидаги ҳисобварақлар дебетига:		
50	Касса		
51	Ҳисоб-китоб варағи		
62	Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар		
	46-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига:		
50	Касса		
51	Ҳисоб-китоб варағи		
62	Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар		
76	Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар		
80	Фойдалар ва зарарлар		
	62-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига:		
50	Касса		
51	Ҳисоб-китоб варағи		
60	Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар		

3.2. Тўланмаган, ҳисобдан чиқарилмаган - ҳисоб гуруҳлари бўйича

Кўрсаткич	Ҳисоб гуруҳлари			
	Тайёр буюмлар учун	Транспорт харажатлари	ҚҚС	Жами
Тўланмаган:				
жорий ой учун қайднома бўйича				
ўтган ой учун қайднома бўйича				
шу жумладан:				
харидорда масъулиятли сақлаш учун қолдирилгани сабабли ҳисобдан чиқарилмаган:				
жорий ой учун қайднома бўйича				
ўтган ой учун қайднома бўйича				
ҳисобот оyi учун 3-жадвал бўйича жами				

16-қайднома юклаб жўнатиш (берилган) моддий бойликлар ва маҳсулот учун ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа жамғариш ва гуруҳларга ажратиш учун мўлжалланган.

16-қайдномада ҳисобварақ-фактуралар ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар бўйича суммалар билан бир қаторда ана шу буюмларнинг номларига биноан уларнинг миқдорий маълумотлари ҳам ёзилади.

16-қайдномада ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тегишли маълумотлари уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида келтирилиб, ҳужжатнинг зарур маълумот реқвизитлари кўрсатилади. Кейинроқ ҳар бир ҳужжат бўйича унга доир тўлаш суммаси ёки юклаб жўнатиш ёхуд сотиш ҳисобварақларидан ҳаражатлар ёки дебиторларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақларга ўтказиладиган сумма қайд этилади.

Мазкур қайдномаларда ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича суммалар билан бир қаторда юклаб жўнатиш моддий бойликлар ва маҳсулотнинг ҳисоб нархлари бўйича қиймати ҳам кўрсатилади.

Шундай қилиб 16-қайднома моддий бойликларни юклаб жўнатиш ва беришга доир ёзилган ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатларни рўйхатта олиш учун ҳам, харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиш, юкланган товарларни ҳисобга олиш ва улар сотилишининг таҳлилий ҳисоби учун ҳам хизмат қилади.

Мазкур ҳисобварақ-фактуралар ёки улар ўрнини босадиган ҳужжатларни 16-қайдномада ёзиш сотиш тўғрисидаги ҳисобот тузиш учун белгиланган юклаб жўнатиш моддий бойликлар ва маҳсулот гуруҳлари бўйича амалга оширилади.

Моддий бойликларнинг ҳар бир ана шундай гуруҳга алоҳида 16-қайдномалар тузилади. Агар битта ҳисоб-китоб ҳужжатида турли гуруҳларга киритиладиган маҳсулот ёки моддий бойликларни юклаб жўнатиш ёки бериш тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган бўлса, алоҳида қайдномалар тузилмайди, гуруҳлар бўйича зарур кўрсат-

кичлар эса қайдноманинг алоҳида устунларида келтирилади.

Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун моддий бойликларни юклаб жўнатиш ёки беришга доир ҳисоб-китоб ҳужжатлари оз миқдорда бўлса, мазкур ҳужжатлар бўйича маълумотлар тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш ёки бериш тўғрисидаги маълумотлар акс эттириладиган 16-қайдномадаги зарур устунларда тўпланиши ва гуруҳларга бўлиниши мумкин.

Шу билан бирга агар маҳсулот ва моддий бойликларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича бошқа йўналишларда (масалан, юклаб жўнатиш йўналишларида, яъни четга, капитал қурилишга, хўжалик эҳтиёжлари учун ва ҳ.к.) тегишли маълумотларни тўплаш талаб қилинса, алоҳида 16-қайдномалар тузилади.

16-қайдномадан тайёр буюмларни юклаб жўнатиш ёки беришни ҳисобга олиш учун фойдаланилганда унга ҳисоб-китоб ҳужжатларидан буюмларнинг айрим номлари бўйича миқдорий маълумотлар, уларнинг сотиш нархлари бўйича умумий қиймати, шунингдек сийловлар, чегириш ва ҳоказолар суммалари киритилади. Бошқа моддий бойликларнинг юклаб жўнатилиши ёки берилишини, кўрсатилган хизматлари ҳисобга олиш учун мўлжалланган қайдномада ҳисоб-китоб ҳужжатларига доир тегишли қиймат маълумотларигина келтирилади (сотиш нархлари бўйича қиймат, сийловлар, чегиришлар ва ҳ.к.). Барча ҳолларда ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган, харидорлар ҳисобига амалга оширилган транспортга доир ва бошқа харажатлар алоҳида устунда кўрсатилиши керак.

16-қайдномада юклаб жўнатилган (берилган) тайёр буюмларнинг ҳисоб нархлари бўйича қиймати буюмларнинг айрим номлари бўйича ой учун аниқланган миқдорий яқунларни режадаги (меъёрий) таннархга ёки сотиш нархига (тайёр буюмларнинг таҳлилий ҳисоби қандай нархлар бўйича олиб борилишига боғлиқ ҳолда) кўпайтириш йўли билан белгиланади. Ой учун юклаб жўна-

тилган тайёр буюмлар миқдори тўғрисидаги кўрсаткичлар ва уларнинг режадаги таннархи тўғрисидаги (ёки улгуржи нархлар бўйича қиймати тўғрисидаги) маълумотлардан навга доир оборот қайдномаларига ёки тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш варақасига ёзиш учун, товармоддий бойликлар ҳисобининг тезкор-бухгалтерия усулида эса - сальдо дафтари бўйича тайёр буюмлар қолдиги тўғрилигини текшириш учун фойдаланилади.

Юклаб жўнатилган (берилган) моддий бойликларнинг ҳисоб нархлари бўйича қиймати қайдномада ҳисобварақ-фактураларга ёки улар ўрнини босувчи хужжатларга илова қилинган юклаб жўнатиш ва беришга доир омбюр хужжатларининг кўчирма нусхаларидаги маълумотлар бўйича ой учун яқун қилиб кўрсатилади. Ой учун яқунлар мазкур хужжатларда келтирилган тегишли хусусий суммаларни ҳисоблаб чиқиш йўли билан белгиланади.

1.6-қайдноманинг махсус жадвалида тайёр буюмларнинг қиймат ифодасидаги ҳаракати ҳам кўрсатилади. Бу жадвалда тайёр буюмларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар чиқиндилардан тайёрланган кенг истеъмол буюмларисиз ва чиқиндилардан тайёрланган кенг истеъмол буюмлари алоҳида кўрсатилади. Бундан тапқари, тайёр буюмларнинг (чиқиндилардан тайёрланган кенг истеъмол буюмларисиз) ҳисоб нархлари бўйича қиймати билан уларнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги тафовут, айрим номлар бўйича кескин ўзгариб туриши мумкин бўлган корхоналарда тайёр буюмларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ушбу буюмлар гуруҳлари бўйича акс эттирилади. Буюмларни гуруҳлар бўйича тақсимлашни корхона айрим буюмлар ҳақиқий таннархининг ҳисоб нархлари бўйича қийматидан фарқ қилиш даражасидан келиб чиқиб амалга оширадими, токи ҳар бир гуруҳда буюмлар тахминан бир хилдаги тафовутлар билан ҳисобга олинсин.

Агар тайёр буюмларни юклаб жўнатиш ёки бериш операцияларини қайд этиш учун икки-учта қайдномадан

фойдаланилса (масалан, юклаб жўнатиш ва бериш йўналишлари бўйича), тайёр буюмлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ушбу қайдномаларнинг бирортасидаги жадвалда жамланади.

16-қайдномада ҳисобварақ-фактуралар ёки улар ўрнини босадиган ҳужжатлар маълумотларини қайд этишда маҳсулот (товарлар), хизматлар ёки материаллар қиймати сотиш, қўшимча баҳолаш, сийловлар ва харидорлар ҳисобига харажатлар бўйича келтирилади. Ҳисобга олиниш жойи бўлган (бўнақлар, бошқа ҳисоб-китоблар бўйича харидордан қарздорлик ва ҳ.к.) ҳисобварақ-фактуралар бўйича суммаларни ёзиш билан биргаликда ушбу қайдномаларда тегишли жамлама ҳисобварақнинг дебетига кўчириш сифатида ҳисобга олиш суммалари ҳам акс эттирилади.

Тўлаш ёки кўчириш суммалари 16-қайдномада “Тўлаш тўғрисидаги белгилар” устунида, юклаб жўнатиш ёки берилган, тўланган ҳужжатга ёки кўчириш бажарилган ҳужжатга тааллуқли бўлган товар-моддий бойликлар тўғрисидаги кўрсаткичлар акс эттирилган сатрларда кўрсатилади. Тўловнинг ҳисоб-китоб варағига келиб тушиши банк кўчирмалари маълумотлари бўйича акс эттирилади. Тўловнинг кассага келиб тушиши қирим касса ордерлари асосида акс эттирилади, бунда ана шу тўлов суммалари “Бошқа ҳисобварақлар” устунларига ёзилади. Тўлов қисмларга бўлиниб келиб тушганида қўшимча тўловлар суммаси биринчи тўлов суммаси устидаги сатрда келтирилади.

Шундай қилиб, харидорлар уларга юклаб жўнатишган бойликлар ҳақини алоҳида ҳисобварақ-фактура бўйича тўлиқ тўлаганида тўловнинг қайд этилган суммалари қайдномада рўйхатга олинган ҳисобварақ-фактура бўйича умумий суммага тенг бўлиши керак.

Ўз эҳтиёжлари учун сотиш тартибида бериладиган, ҳақи тўланмайдиган (ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, капитал таъмирлаш ва ҳ.к. га бериладиган) тайёр маҳсулот, моддий бойликлар, иш ва хизматлар қиймати улар бе-

рилган ҳисобот оyiда, бериш тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тўлиқ тарзда ҳисобдан чиқарилади.

Агар харидор унга тақдим этилган ҳисобварақ-фактура акцептидан бош тортса, мазкур ҳисобварақ бўйича бойликлар эса харидорнинг маълумотли сақланишида бўлса, 16-қайдноманинг ушбу ҳисобварақ рўйхатга олинган сатрида акцептдан воз кечилгани тўғрисида, бойликлар қайтарилган ҳолларда эса (ҳисобварақ тўлангунига қадар) - уларнинг қайтарилгани тўғрисида белги қўйилади.

Ҳисобварақ-фактуралар харидорлар томонидан тўлангани ёки тегишли кўчиришлар қилингани тўғрисидаги белгилар товар-моддий бойликлар юклаб жўнатилгани ёки берилгани тўғрисида ёзувлар киритилган қайдномаларга икки ой давомида қўйилади. Тўлаш ҳақида ёки акцептдан воз кечилгани ёхуд кўчириш тўғрисида белги қўйилмаган ёзувлар бўйича харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳолати устидан кузатиш олиб борилади. Икки ой давомида тўланмаган ҳисобварақ-фактуралар бўйича суммалар кейинги (учинчи) ой қайдномасига кўчирилади. Тўловлар келиб тушиши ёки кўчирилиши тўғрисидаги ёзувлар киритилган қайдномаларга икки ой давомида қўйилади. Тўлаш ҳақида ёки акцептдан воз кечилгани ёхуд кўчириш тўғрисида белги қўйилмаган ёзувлар бўйича харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳолати устидан кузатиш олиб борилади. Икки ой давомида тўланмаган ҳисобварақ-фактуралар бўйича суммалар кейинги (учинчи) ой қайдномасига кўчирилади. Тўловлар келиб тушиши ёки кўчирилиши тўғрисидаги кейинги белгилар янги очилган қайдномаларда юритилади.

Ой охирида 11-журнал-ордерда 45 ва 46-ҳисобварақлар кредити оборотлари сифатида акс эттириладиган тўловлар ва кўчиришлар тўғрисидаги маълумотлар ўзаро боғланувчи ҳисобварақлар бўйича гуруҳларга ажратилади ва қайдноманинг охириги саҳифасида ой учун яқунлар билан бирга келтирилади.

Сотишни ҳисобварақ-фактураларга харидорлар тўлаган ҳақ бўйича пул келиб тушишига қараб акс эттирувчи корхоналарда бир вақтнинг ўзида сотилган моддий бойликлар ва тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш учун сотиш бўйича ҳисобот учун талаб қилинадиган ҳисоб гуруҳлари бўйича, ой охирида тўланмаган бойликлар учун ҳисобварақ-фактураларга доир суммалар ҳам келтирилади.

корхона

19 _____ йил _____ учун

Ҳисобварақлар кредити бўйича
11-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

- 40- “Тайёр маҳсулот”
- 26- “Давр харажатлари”
- 45- “Юклар жўнатилган товарлар”
- 46- “Маҳсулот (иш, хизматлар)нинг сотилиши”
- 47- “Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши”
- 48- “Бошқа активларнинг сотилиши”
- 62- “Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”

11-журнал-ордер

Хисоб-варақдур кредитигдан Хисоб-варақдур дебетига	40 Тайёр маҳсулот	26 Давр харажатлари	45 Юк-лаб жўна-тилган товарлар	46 Маҳсулот (иш, хизматлар)-нинг сотилиши	47 Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши	48 Бошқа активларнинг сотилиши	62 Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	Ҳам-маси
1	2	3	4	5	6	7	8	9
01-Асосий воситалар								
02-Асосий воситаларнинг эскириши								
04-Номоддий активлар								
05-Номоддий активларнинг эскириши								
07-Урнатиладиган ускуналар								
46-Маҳсулотнинг сотилиши								
47-Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши								
48-Бошқа активларнинг сотилиши								
51-Ҳисоб-китоб варағи								
60-Маҳсулот отказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар								
62-Харидорлар билан ҳисоб-китоблар								
76-Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар								
80-Фойда ва зарарлар								
Жами								

46-ҳисобвараққа доир таҳлилий маълумотлар

Кўрсаткичлар номи	Тайёр буюмлар	Асосий материаллар	Харидорлар ҳисобига транспорт харажатлари	Жами
Ҳисобот ойи учун 46-ҳисобвараққа:				
а) сотилган маҳсулот ва моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи				
б) келиб тушган, кўчирилган суммалар				
в) сотилган маҳсулотнинг режадаги таннархи				
г) қўшилган қиймат солиғи				
д) сотиш харажатлари				
е) сотиш ҳисобварағининг дебетига кўчирилган бошқа харажатлар				
Фойда				
Зарар				

11-журнал-ордер товар - моддий бойликларни юклаб жўнатиш, бериш ва сотиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар кредити бўйича ўзаро боғланувчи ҳисобварақларга доир оборотларни ой учун акс эттиришга мўлжалланган. Бунда журнал-ордерда маҳсулот ва товар-моддий бойликларни юклаб жўнатиш, бериш ва сотишга доир, 16-қайдномада ҳисоботни тўлдириш учун зарур бўлган ҳолатларда аниқланган маълумотлар умумлаштирилади.

11-журнал-ордерда 40-"Тайёр маҳсулот", 45-"Юклаб жўнатишган товарлар", 46-"Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши", 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши", 48-"Бошқа активлар-

нинг сотилиши”, 62-“Харидорлар ва буортмачилар билан ҳисоб-китоблар” ва 26-“Давр харажатлари” ҳисобварақлари кредити бўйича оборотлар ўзаро боғланувчи ҳисобварақлар билан боғлиқликда акс эттирилади.

40-“Тайёр маҳсулот” ҳисобварағи кредити бўйича маълумотларнинг юклаб жўнатилган ва берилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархига доир қисми (40-ҳисобварақ кредити ва 45-ҳисобварақ дебети) таҳлилий маълумотлар жадвалида мавжуд бўлган кўрсаткичлар асосида (мазкур журнал-ордернинг иккинчи бўлими); 40-ҳисобварақ кредити бўйича қолган маълумотлар тегишли дастлабки ҳужжатлар асосида акс эттирилади.

45-“Юклаб жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлар” ҳисобварағи кредити бўйича оборотларнинг сотилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий таннархига доир қисми таҳлилий маълумотлар жадвали кўрсаткичлари бўйича (11-журнал-ордернинг иккинчи бўлими); ушбу ҳисобварақ кредити бўйича қолган маълумотлар эса - тегишли бирламчи ҳужжатлар асосида ёзилади.

Харидорлардан ва кўчиришдан келиб тушган тўлов (46-ҳисобварақ кредити бўйича оборотлар) мазкур қайдномаларнинг охири саҳифасида аниқланган, 16-қайдноманинг якуний маълумотлари бўйича, ушбу ҳисобварақ кредити бўйича қолган операциялар (харидорлардан қарзларни узиш) эса - 50-“Касса”; “Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварағи ва ҳоказолар ёки тегишли бирламчи ҳужжатлар кўрсаткичлари асосида келтирилади.

Товарлар ҳақи тўланганидан кейин улар қайтарилганида харидор томонидан тўланган суммани сторнолаш ва уни кредиторлик қарзи сифатида акс эттириш тегишли бирламчи ҳужжатлар маълумотлари бўйича амалга оширилади.

11-журнал-ордернинг иккинчи бўлимида 16-қайдномада акс эттирилган, юклаб жўнатилган ва берилган (сотиш тартибида) моддий бойликлар ва маҳсулот, юклаб жўнатилган товарлар ҳаракати ва сотилиши ҳамда со-

гилган моддий бойликлар ва маҳсулот таннархи тўғрисидаги кўрсаткичлар умумлаштирилади.

Журнал-ордернинг ушбу бўлимида ёзувлар куйидаги тартибда амалга оширилади.

Юклар жўнатилган ва сотиш тартибида берилган тайёр буюмларнинг (қайтарилганларини чегириб) ҳисоб нархлари ва ҳақиқий таннархи бўйича кўрсаткичлари 16-қайдноманинг “Тайёр буюмларнинг қиймат ифодасидаги ҳаракати” жадвали маълумотлари асосида келтирилади.

Юкланган ва берилган моддий бойликларнинг ҳисоб нархларига доир ёзувлар 16-қайднома маълумотлари бўйича келтирилади. Агар моддий бойликларнинг бир қисми ой давомида харидорлар томонидан корхона омборига қайтарилган бўлса, уларнинг қайтариш ҳужжатларига илова қилинган кирим омбор ордерларининг кўчирма нусхалари маълумотларига биноан белгиланган қиймати (ҳисоб нархлари бўйича) бойликларни юклар жўнатиш маълумотларидан чиқариб белгиланади. Мазкур моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи уларнинг ҳисоб нархлари бўйича қийматига, уларнинг 10-қайдномада аниқланган фоизидан келиб чиқиб, тафовутлар ёки транспорт - тайёрлаш харажатлари суммаларини қўшиш йўли билан белгиланади. Кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар тўғрисидаги кўрсаткичлар 9-ишланма жадвалнинг тегишли маълумотлари асосида акс эттирилади.

Ҳисобот ойида юклар жўнатилган ва сотиш тартибида берилган, шунингдек ой охирида ҳақиқий тўланмай қолган тенг миқдордаги товарларнинг сотилиши нархлари бўйича қиймати 16-қайдноманинг тегишли маълумотларини жамлаш йўли билан аниқланади.

Ой охирида юклар жўнатилган товарлар қолдиғининг ҳақиқий таннархи ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

Сотилган товар-моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи ва уларнинг сотиш нархлари бўйича қиймати (тушум, кўчирилган суммалар) ва сотилган товар маҳсулотининг режадаги (меъёрий) таннархи ҳам маҳсулот ва

моддий бойликларни юклар жўнатиш, бериш ҳамда сотишга доир умумий кўрсатмаларга мувофиқ аниқланади.

6.2. Юклар жўнатилган (сотилган) маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш учун товар балансини тузиш тартиби

Корхонанинг харажатларини тайёр маҳсулот қолдиқлари, ишлаб чиқарилган, юклар жўнатилган ва сотилган маҳсулот ўртасида тақсимлашда тегишли ҳисоб-китоб, яъни товар баланси тузилади. Товар баланси маълумотлари фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш пайтида солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун асос ҳам ҳисобланади.

Харажатларни тақсимлаш ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг режадаги таннархига ёки унинг эркин (келтирилган) нархлар бўйича қийматига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Фойда (даромад) солиғини ҳисоблашда сотиш тушумини белгилашнинг икки хил усулидан - касса усули ва ҳисобига ёзиш усулидан фойдаланишни эътиборга олиб, товар баланси тузишнинг икки хил шаклини келтирамиз.

Ҳисобига ёзиш усулида маҳсулотни юклар жўнатиш пайти уни сотиш пайти ҳисобланади ва товар балансининг ҳисоб-китоби ушбу намуна шаклига биноан тузилади:

Кўрсаткич	Режадаги таннархи ёки эркин (келишилган) нархлар бўйича қиймати, ҚҚС ва акцизларсиз	Тафовут (+; -)	Ҳақиқий таннархи
1. Ой бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғи	200	-10	190
2. Ҳисобот ойда ишлаб чиқарилган маҳсулот	1600	+80	1680
3. Жами	1800	+70	1870
4. Тафовутларнинг ўртача фоизи	x	+3,9%	x
5. Ҳисобот ойи учун юқлаб жунатилган (сотилган) маҳсулот	1750	+68	1818
Ҳисобот даври охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи	50	+2	52
Жами	180	+70	1870

Ушбу ҳисоб-китобни тузишда биринчи сатр учун ахборот аввалги ой учун тузилган ҳисоб-китобнинг 6-сатридан олинади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи тўғрисидаги маълумотлар 10-журнал-ордердан олинади.

Тафовутларнинг ўртача фоизи тафовутларнинг якуний суммасини режадаги таннархига ёки ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг (унинг қолдиқларини ҳисобга олган ҳолда) келишилган (эркин) нархлари бўйича қийматига бўлиш йўли билан белгиланади.

Режадаги таннархни ёки юқланган маҳсулотнинг келишилган (эркин) нархлари бўйича қийматини тузатиш йўли билан тафовутларнинг ўртача фоизини қўллаган ҳолда маҳсулотнинг ҳақиқий қиймати (5-сатр) белгиланади.

Тайёр маҳсулотнинг ой охиридаги қолдиғи (6-сатр) 3 ва 5-сатрларнинг тегишли устунлар бўйича маълумотларини алгебраик кўшиш йўли билан белгиланади.

Сотиш тушумини аниқлашнинг касса усулида ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг бошидаги тайёр маҳсулот қолдиқлари ва юклаб жўнатилган маҳсулотни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Аввалига ҳисобот даврида ҳақиқатда қилинган харажатлар ишлаб чиқарилган ва юклаб жўнатилган товар маҳсулот ўртасида тақсимланади, бунда ҳисоб-китоб ҳисобот ойи бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғининг ҳақиқий таннархини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Сўнгра ҳақиқий харажатлар ҳисобот ойи бошланишида юклаб жўнатилган маҳсулот қолдиғини ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб-китобни тузиш йўли билан юклаб жўнатилган ва сотилган товар маҳсулоти ўртасида тақсимланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини белгилаш учун ҳисоб-китоб тузишда 11-журнал-ордер ва 16-қайднома материалларидан фойдаланилади.

Кўрсаткич	Режадаги таннарх ёки эркин (шартномавий) нархлар бўйича қиймати, қўшилган қиймат солиғисиз ва акцизсиз	фарқ (+, -)	Амалдаги таннарх
1. Ой бошидаги жўнатилган маҳсулот қолдиғи	400	-20	380
2. Ҳисобот ойда жўнатилган маҳсулот (аввалги ҳисоб-китобнинг 4-сатри)	1750	+68	1818
3. Жами	2150	+48	2198
4. Фарқларнинг ўртача фоизи	x	2,2%	x
5. Ҳисобот даврида сотилган маҳсулот	2000	+44	2044
6. Ҳисобот даври охирида жўнатилган маҳсулот қолдиғи	150	+4	154
7. Жами	2150	+48	2198

Харажатни мутаносиб равишда тақсимлаш учун режадаги таннархдан фойдаланишда харажатнинг амалдаги ошиши ҳисобига таннарх кескин равишда ўсиши натижасида “Режадаги таннарх ёки эркин (шартномавий) нархлар бўйича қиймати” устунида манфий рақамлар пайдо бўлиши мумкин. Ундан ташқари худди шундай кўрсаткичлар шартномавий (эркин) нархлар ўсиши оқибатида “Амалдаги таннарх” устунида ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бундай янглишишларга йўл қўймаслик учун режадаги таннархга ҳар ойда тузатиш киритиш, бунда ҳисобот даврида таннархнинг амалдаги ошишига асосланиш, уларнинг ой бошига келиб ўсишини, тайёр маҳсулот қолдиқларини (шунингдек касса устунида жўнатилган товарларнинг қолдиқларини) ҳисобга олиш зарур.

7. УСТАВ КАПИТАЛИ, ТАҚСИМЛАНМАГАН Фойда (КОПЛАНМАГАН ЗАРАР), МАХСУС ФОНДЛАР ВА ЗАХИРАЛАР, МУАЙЯН МАҚСАДЛИ МОЛИЯЛАШ МАБЛАҒЛАРИ ВА ТУШУМЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

85-"Устав капитали (фонди)", 86-"Захира фонди",

87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)",

89-"Навбатдаги ҳаражатлар ва туловларнинг захиралари", 96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварақларида акс эттириладиган операцияларнинг ҳисобини юритиш учун 12-журнал-ордер тугилади.

12-журнал-ордерда мазкур ҳисобварақлардаги кредит бўйича оборотлар тегишли ҳисобварақлар билан боғлиқ равишда ёзиб қўйилади.

Улар бўйича оборотлар, 50-"Касса" ва 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи дебетига тааллуқли бўлган суммалардан ташқари, бухгалтериянинг фондлар тузишга оид маълумотномалари (ҳисоб-китоблари), банк ва бошқа бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан кўчирмалар асосида акс эттирилади. 50 ва 51-ҳисобварақлар дебетига тааллуқли суммалар журнал-ордерда ой якунлари тарзида ушбу ҳисобварақлар бўйича дебетлар обороти қайдномаларидаги маълумотлар бўйича келтирилади.

12-журнал-ордернинг махсус жадвалида ушбу ҳисобварақлар бўйича таҳлилий маълумотлар, яъни таҳлилий ҳисоб моддаларига биноан кредит ва дебет оборотлари ҳамда сальдолари акс эттирилади. Ҳисобот тузиш учун зарур кўрсаткичларни олиш мақсадида таҳлилий маълумотлар йил бошидан, то ҳисобот ойига қадар жадвалнинг махсус устунида келтирилади.

Корхона

12-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

85-"Устав капитали (фонди)", 86-"Захира фонди", 87-"Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар), 89-"Навбатдаги харажатлар ва тўловлар захиралари", 96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварақлари кредити бўйича.

199__ йил _____ учун тахлилий маълумотлар

85-"Устав капитали (фонди)" ҳисобварағи		85-1 "Устав капитали (фонди)" илова ҳисобварағи	
Ўзув №	Асос (талаб қилинган жойда - ёзув маъноси)	85-1 ҳисобварағи кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетиға	Жами

85-2-"Қўшилган капитал" ҳисобварағи

Ўзув №	Асос (талаб қилинган жойда - ёзув маъноси)	85-2 ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетиға		Жами

85-3-"Заҳира капиталли" ҳисобварағи

Ўзув №	Асос (талаб қилинган жойда - ёзув маъноси)	85-3 ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетиға		Жами

86- "Захира фонди" ҳисобвараги				
Ёзув №	Асос (талаб қилинган жойда - ёзув маъноси)	86-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетига		Жами

87- "Тақсимланмаган фойда (қолланмаган зарар)" ҳисобвараги				
Ёзув №	Асос (талаб қилинган жойда - ёзув маъноси)	87-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетига		Жами

89- "Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари" ҳисобварағи

Ёзув №	Асос (талаб қилинган жойда - ёзув маъноси)	89-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига		Жами

96- "Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварағи

Ёзув №	Асос (талаб қилинган жойда - ёзув маъноси)	96-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига				96-ҳисобварақ кредити бўйича жами
		50-касса	51-ҳисоб-китоб варағи	52-валюта ҳисобварағи	76-турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	

85, 86, 87, 89, 96-ҳисобварақларга оид таҳлилий маълумотлар

с/тр №	Таҳлилий ҳисоб моддаларининг номи	Йил бошидан ҳисобот ойигача оборотлар		Ҳисобот ойи бошида сальдо		Ҳисобот ойи бошида оборотлар		Ҳисобот ойи охирида сальдо	
		дебет буйича	кредит буйича	дебет буйича	кредит буйича	дебет буйича	кредит буйича	дебет буйича	кредит буйича
	85-ҳисобварақ буйича жами								
	86-ҳисобварақ буйича жами								
	87-ҳисобварақ буйича жами								
	89-ҳисобварақ буйича жами								
	96-ҳисобварақ буйича жами								
	Жами								

8. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ВА КАПИТАЛ МАБЛАҒ САРФЛАШЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

01-"Асосий воситалар", 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган воситалар", 04-"Номоддий активлар", 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар", 07-"Ўрнатиладиган ускуналар", 08-"Капитал маблағ сарфлашлар", 30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварақларида акс эттириладиган операцияларни ҳисобга олиш учун 7, 18, 18/1-қайдномалари ва 13-журнал-ордер тугилади.

06, 08, 30-ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ҳисоби 7-қайдномада юритилади. Асосий воситалар (ўзининг ва ижарага олинган воситалар)нинг таҳлилий ҳисоби объектлар бўйича варақчаларда ёки инвентар дафтарларида бошланғич ҳужжатлар (асосий воситалар объектларининг тушуми (чиқиб кетиши)га оид ҳужжатлар ва ҳоказолар) асосида юритилади.

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварақларида акс эттириладиган операциялар ҳисоби 18-қайднома "Капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатлар" да ва 18/1-қайднома "Тугалланган капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатлар" да юритилади.

Капитал маблағ сарфлашларга оид харажатлар бўйича ёзувлар 18-қайдномада, бошланғич ҳужжатлар ёки улар боғланувчи ҳисобварақларга қараб ажратилган гуруҳлар асосида қайд этилади. Бунда капитал маблағ сарфлашлар ҳам умуман қурилиш бўйича, ҳам алоҳида объектлар бўйича қуйидаги харажат турларига қараб гуруҳларга ажратилади:

- қурилиш ишлари (пўлат конструкцияларни монтаж қилиш ҳам шу ҳисобга киради).
- пармалаш ишлари;
- асбоб-ускунани монтаж қилиш;
- монтаж қилиш учун топширилган асбоб-ускуна қиймати;
- асосий воситалар, инвентар ва асбобларни сотиб олиш;

- лойиҳалаш-қидирув ишлари;
- бошқа капитал ишлар ва харажатлар;
- объектларнинг инвентар қийматига кўшиладиган зарарлар.

Қайдномада ҳар бир харажат гуруҳлари учун алоҳида бўлим, бўлим ичида эса капитал маблағ сарфлашлар объектлари бўйича ёки харажат турлари бўйича кўрсаткичлар учун алоҳида сатрлар ажратилади.

18/1-қайднома 08-ҳисобварақдан 01-ҳисобвараққа ўтказиладиган тугал капитал маблағ сарфлашлар бўйича сарфларнинг таҳлилий ҳисобини юритиш учун тутилади.

18/1-қайдномада фойдаланиш учун топширилган ҳар бир капитал маблағ сарфлашлар объектнинг инвентар қиймати харажат моддалари бўйича ифодаланади. 18/1-қайдномада зарур ёзувлар 18-қайднома маълумотлари асосида қайд этилади. Бунда 18-қайднома таркибидаги бошқа харажатлар ҳақидаги, шунингдек объект инвентар қийматига киритиладиган зарарлар тўғрисидаги маълумотлар 18/1-қайдномада белгиланган тартибда, капитал маблағ сарфлашлар объектлари бўйича тақсимланади.

13-журнал-ордерда 01-"Асосий воситалар" 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган воситалар", 04-"Номоддий активлар", 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар", 07-"Ўрнатиладиган усқуналар", 08-"Капитал маблағ сарфлашлар", 30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварақлари кредити бўйича оборотлар акс эттирилади.

Ҳисобварақлар кредити бўйича оборотлар ой якуналари тарзида 18 ва 18/1-қайдномалардаги маълумотлар бўйича ёхуд тегишли бошланғич ҳужжатлар асосида ёзиб қўйилади.

18-қайднома "Капитал маблағ сарфлашлар бүйича харажатлар ҳисобини юритиш"

Объект номи, ишлар тури	_____ га сарфлар										Жами харажат	Хисобдан чиқарилган сарфлар	
	Йил бошидаги тугалланмаган капитал қўйилмалар қиймати	смета қиймати бүйича	амалдаги қиймат бүйича	ўрнатилган ускуна	материаллар	фарқлар	шартномавий нархлар бүйича	Монтаж бүйича иш ҳақи	ижт. сугурта ажратма, 69	ойлик			Йил бошидан бери
Жами													

18/1-қайднома "Тугалланган капитал маблағ сарфлар бүйича харажатлар ҳисобини юритиш"

Объект номи	Қурилиш ишлари	Ускунани монтаж қилиш	Монтаж қилиш учун топширилган ускуна	Бошқа харажатлар (қўшилган қиймат солиғи)	Жумладан		Тўла инвентарь қиймати
					лойihalash-қидирув ишлари	зарар	
Жами							
Ҳаммаси							

01-"Асосий воситалар", 03-"Узоқ муддатта ижарага олинган воситалар", 04-"Номаддий активлар", 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағлар", 07-"Ўрнатилмаган ускуналар", 08-"Капитал маблағ сарфлашлар", 30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварақлари кредити бўйича
13-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

Ўзув №	Асос (талаб қилинган жойда-ёзув маъноси)	01-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар кредитига	№
		01	47
Ўзув №	Асос (талаб қилинган жойда ёзув маъноси)	04-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар кредитига	№
		48	№

Ёзув №	Асос (талаб қилинган жойда-ёзув маъноси)	03-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетиغا				Ҳисобварақлар кредити бўйича жами оборот
		1	2	97	№	
						№
	Жами					

06-ҳисобварақ кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетиغا										Ҳисобвар кредити буйича жами оборот
Сатр №	Асос (ҳужжат санаси ва тартиб рақами)	48 Маҳсулот (ишлар, хизматла сотилиши)	51 Ҳисоб- китоб варағи	58 Қисқа муддатли молиявий маблағ сарф- лашлар	80 Фойда- лар ва зарарлар	№	№	№	№	
	Жами									
07-ҳисобварақ кредити қуйидаги ҳисобварақлар дебетиغا										Ҳисобвар кредити буйича жами оборот
Сатр №	Асос (ҳужжат санаси ва тартиб рақами)	08 Капитал маблағ сарф- лашлар	10 Моддий бойлик- ларни қайта баҳолаш	26 Давр харажат- лари	30 Нокапи- тал ишлар	48 Бошқа активлар сотилиши	62 Харидор- лар ва буқортма- чилар билан ҳисоб- китоблар	80 Фойда- лар ва зарар- лар	№	
	Жами									

Сатр №	Асос (хужжат санаси ва тартиб рақами)	08-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетиға						Ҳисобварақлар кредити бўйича жами оборот
		01 Асосий восита-лар	07 Урнати-лади-ган ускуна	26 Давр хара-жат-лари	60 Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар	63 Эътироз-лар бўйича ҳисоб-китоблар	80 Фойда-лар ва зарарлар	
	Жами							

Сатр №	Асос (хужжат санаси ва тартиб рақами)	30-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетиға						Ҳисобварақлар кредити бўйича жами оборот	
		01 Асосий восита-лар	10 Мате-риал-лар	12 Арзон баҳоли ва тез эскира-диган буюклар	26 Давр хара-жат-лари	62 Харидорлар ва буюрт-мачилар билан ҳисоб-китоблар	76 Турли кредиторлар ва дебитор-лар билан ҳисоб-китоблар		№
	Жами								

9. ФОЙДАЛАР ВА ЗАРАРЛАР, ФОЙДА (ДАРОМАД), КЕЛГУСИ ДАВРЛАР ДАРОМАДИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАНГАН ВА ТЎЛАНГАН СОЛИҚЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

80-“Фойдалар ва зарарлар”, 81-“Фойда (даромад) учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар”, 83-“Келгуси даврлар даромадлари” ҳисобварақлари кредити бўйича оборотлар 15-журнал-ордерда ифода қилинади.

Ушбу регистрда мазкур ҳисобварақлар кредити бўйича оборотлар тегишли ҳисобварақлар билан боғланган тарзда акс эттирилади.

Операцияларга оид ёзув, 50-“Касса” ва 51-“Ҳисобкитоб варағи” ҳисобварақлари билан боғлиқ ҳолда акс эттирилган суммалар истисно қилиниб, тегишли бошланғич ҳужжатлар асосида қайд этилади. 50 ва 51-ҳисобварақлар билан боғлиқ операциялар 1 ва 2-қайднома-ларда аниқланган маълумотларга қараб, ой якунлари тарзида ифодаланади.

10. ИШЛАНМА ЖАДВАЛЛАРГА ОИД ИЗОҲЛАР

Ишланма жадваллар намунавий жадвал сифатида зарурий ҳисоб маълумотларини умумлаштириш ёки гуруҳларга ажратишни рационал таъминлаш мақсадида тавсия этилади.

Айрим ишланма жадвалларнинг вазифалари ва уларни қўлланиш тартиби қуйидагилардан иборат:

“Иш ҳақини ва материаллар харажатини тақсимлаш”.

1-ишланма жадвалини марказлашмаган ҳисоб юритиш шароитидаги корхоналарда қўллаш тавсия қилинади. Унда харажат (ҳисобварақлар, илова ҳисобварақлар, буюртмалар) йўналишлари бўйича ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи суммаларининг ҳамда материаллар сарфиёти суммаларининг тақсимоти ёритилади.

25-“Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағи дебетиға тааллуқли иш ҳақи ва материаллар харажати суммалари “Цехлар бўйича харажатлар” 12-қайдномасида кўзда тутилган таҳлилий ҳисоб моддалари бўйича гуруҳларға ажратилади.

Ишчиларға ёзилган иш ҳақи хизматчилар иш ҳақидан алоҳида тарзда харажат йўналишлари бўйича тақсим қилинади. Турли жамлама ҳисобварақларда ёхуд илова ҳисобварақларда ҳисобға олинadиган материаллар харажати ҳам алоҳида гуруҳланади. Бунинг учун ишланма жадвалнинг айрим устунларидан фойдаланилади.

Ишланма жадвалда назарда тутилган устунлар сони етарли бўлса, иш ҳақи ва материаллар сарфи шу жадвалнинг битта босма иш қоғози (бланкаси)да ундаги турли устунлар бўйича тақсим қилинади. Акс ҳолда улар турли бланкаларда тақсимланади.

Зарур ҳолда иш ҳақи ва материаллар сарфи ойнанинг ярми учун тақсимланиши мумкин.

Ишланма жадвалда бевосита ҳисобланган иш ҳақи ва сарфланган материалларгина эмас, балки бошқа цехларнинг шу цех ҳисобига қилинган тегишли сарфлари ҳам

ҳар бир цех бўйича гуруҳларга бўлиб ёзилади. Иккинчи томондан, цехнинг ишланма жадвалларига бошқа цех ҳисобига ёзилган иш ҳақи ва материаллар сарфи кири-тилмайди. Ҳисоб-китоб (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномаларида кўрсатилган иш ҳақи, ва материаллар сарфининг суммалари тўғрисидаги маълумотларни ишланма жадваллардаги маълумотлар билан солиштириш мақсадида уларда иш ҳақи ва материаллар сарфи бўйича қабул қилинган ва топширилган суммалар ҳақидаги маълумотнома кўрсаткичлари келтирилади.

Иш ҳақи ва материаллар сарфини тақсимлашга оид ишланма жадвалларнинг маълумотларидан 12-қайдномада ҳамда калькуляция қилинадиган объектлар бўйича ишлаб чиқаришга кетган харажатлар варақчаларида (қайдномаларида) ёзув қайд қилишда фойдаланилади.

“Ходимлар билан иш ҳақи бўйича, ходимларнинг таркиби ва тоифалари бўйича ҳисоб-китобларга оид материаллар жамламаси”нинг 3, 4 ва 5-ишланма жадвалларини корхоналарда ишчилар ва хизматчилар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича, иш ҳақи бўйича, унинг ходимлар таркиби ва тоифалари бўйича маълумотларни умумлаштириш учун қўллаш тавсия этилади.

“Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясини ҳисоб-китоб қилиш” 6-ишланма жадвали корхона бўйича ҳисобот оyiда ёзиладиган асосий воситалар эскириш суммасини белгилаш учун корхоналарда қўлланилади.

Ушбу жадвалнинг қўлланилиши амортизацияни ҳисоблаш жараёнини осонлаштириш имконини беради. Ҳисоб-китоб қуйидаги йўл билан бажарилади: аввалги ойда ҳисобланган амортизация суммасига келиб тушган воситалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси қўшилиб, ўтган ойда ҳисобдан чиққан асосий воситалар бўйича амортизация суммаси чиқариб ташланади. Бунда ҳисоб-китоб маълумотлари фақат амортизация қисмида келтирилиб, у асосий воситалар бошланғич қиймати асосида белгиланади. Асосий воситалар амортизацияси-

нинг бошланғич қиймати табақалашган амортизация меъёрлари бўйича белгиланиб, булар бинолар иншоотлар, асбоб-ускуна, инвентар ва ҳоказоларнинг турларига қараб ажратилади.

6-ишланма жадвалда амортизация суммаси ҳар бир алоҳида цех, хўжалик бўйича ҳар бир истъъмолчи ҳисобварағи бўйича белгиланади, уларнинг харажат таркибига амортизация ажратмаларининг бирон-бир улushi киритилиши зарур. Жадвалнинг “А” бўлимида ўтган ойда келиб тушган ёки ўчирилган асосий воситалар бошланғич қиймати уларнинг турлари бўйича ҳамда табақалашган меъёрлар бўйича белгилаб олинган амортизация суммаси келтирилади. Жадвалнинг “Б” бўлимида жорий ойда ҳисобланадиган жами амортизация суммаси асосий воситалар акс этириладиган моддаларга мувофиқ яхлитлашган асосий воситалар гуруҳлари бўйича кўрсатилади.

6-ишланма жадвалдаги маълумотлар 12 ва 15-қайдномаларга ўтказилади.

“Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар эскиришини ҳисоб-китоб қилиш” 8-ишланма жадвалини корхона бўйича ҳисобот ойида ҳисоблаш лозим бўлган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириш суммасини аниқлаш учун корхоналарда қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланиш учун топширилган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар бўйича эскириш суммаси ЎЗР Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ҳисобланади.

8-жадвалда арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар (махсус асбоблар ва махсус масалалардан ташқари) эскиришини ҳисоблаш тартиби уларни фойдаланишга топшириш пайтида шу буюмлар қийматининг эллик фоизини, улар фойдаланишдан чиқарилган тақдирда қийматининг қолган эллик фоизини таннархга қўшиш асосида белгиланган.

Асбоб-ускунанинг ишлаши билан боғлиқ харажатлар аниқланадиган корхоналарда умум фойдаланадиган ас-

боб-ускуналарнинг эскириш суммаси алоҳида белгиланади.

Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириш суммаси ҳар бир цех бўйича алоҳида, улар ифодаланиши зарур бўлган харажат таркибида, шунингдек эскириш суммаси дебетга қўшиладиган ҳисобварақлар бўйича, зарур ҳолларда эса - мазкур ҳисобварақларнинг таҳлилий ҳисобига оид моддаларга биноан ҳисоблаб чиқилади.

8-ишланма жадвалдаги маълумотлардан 12 ва 15-қайдномалардаги ёзувларда фойдаланилади.

“Ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналарининг хизматларини тақсимлаш” 9-ишланма жадвали корхоналарда маълумотларни умумлаштириш (уларга қараб ўз ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари кўрсатадиган хизматлар таннархи белгиланиши мумкин) ҳамда шу хизматларнинг истеъмолчилар ҳисобидан ўчириладиган суммаларини белгилаш учун қўлланилади.

Ушбу ишланма жадвалда тегишли равишда кўрсатилган ва фойдаланилган хизматларнинг миқдорий кўрсаткичлари айрим хизмат етказиб берувчилар ва уларнинг истеъмолчилари бўйича (цехлар, ҳисобварақлар, илова ҳисобварақлар ёки таҳлилий ҳисоб моддалари бўйича) келтирилади.

Бир цехнинг бошқа цехга кўрсатган хизматлари режадаги (меъерий) таннарх бўйича баҳоланади.

Етказиб берувчи цехлар кўрсатадиган хизматларнинг амалдаги таннархи ишлаб чиқариш сарфиёт ҳисобининг тегишли регистрларида аниқланган ўз сарфларидан ва бевосита 9-жадвал бўйича аниқланадиган бир цехнинг бошқасига кўрсатадиган муқобил хизматларнинг режадаги таннархидан таркиб топади.

Миқдорий кўрсаткичлар хизмат етказиб берувчи цехларнинг ҳисобот маълумотларига биноан келтирилади. Кўрсатилган хизматларнинг миқдорий кўрсаткичлари ва бирлиги таннархи асосида 9-жадвалда муқобил хизматларнинг режадаги таннархи, барча кўрсатилган ва фой-

даланилган бошқа хизматларнинг амалдаги таннархи белгиланади ҳамда ёзиб қўйилади.

Ҳажм кўрсаткичларидан фойдаланиш мушкул бўлган, хизмат кўрсатиш тартибида бажарилган тузатиш ишлари бўйича, кўрсатилган хизматларнинг амалдаги таннархи материалларга оид нархларда ва талабномаларда келтирилган бевосита сарфлар асосида белгиланади.

Мазкур ҳужжатлар асосида айрим истеъмолчилар бўйича иш ҳақи ва материаллар сарф суммаси - бажарилган ишлар бўйича, сўнг эса кўрсатилган суммаларга мутаносиб равишда - отказиб берувчи цех (тузатиш устахонаси)нинг қолган харажатлари ёзилади.

Кўрсатилган ва фойдаланилган хизматларнинг амалдаги таннархи билан бир қаторда маълумот учун шу хизматларнинг режадаги (меъёрий) таннархи ҳам қайд этилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари чиқарган бутун маҳсулотнинг (нафақат хизматлар кўрсатиш соҳасида, балки идиш (тара) устахоналари, фишт заводи, тахта тилиш заводи каби ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларининг ҳам) амалдаги таннархини аниқлаш мақсадида 9-ишланма жадвалида мана шу ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари бўйича ҳам тегишли маълумотлар кўрсатилади.

Фойдаланилган хизматлар ва чиқарилган маҳсулотнинг амалдаги таннархи тўғрисида 9-жадвалда белгиланган маълумотлар бўйича 12 ва 15-қайдномаларда, шунингдек 11-журнал-ордерда (сотиш тартибида кўрсатилган хизматлар бўйича) зарур ёзувлар қайд этилади.

“Берилмаган иш ҳақи реестри” 11-ишланма жадвали депонентга ўтказилган иш ҳақи ҳисоб дафтари (8-а шакл) ўрнига тавсия этилади. Уни қўлланиш тартиби ушбу тавсияларнинг **“Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳисобини юритиш”** бўлимида баён этилган.

“Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ҳисобини юритиш варақчаси” 12-ишланма

жадвалини мазкур операциялар катта ҳажмда ўтказилганда дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш учун қўллаш тавсия қилинади. Бундай ҳолларда “Турли дебиторлар ва қарздорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш қайдномаси” 7-қайдномасида ёзувлар ҳар бир дебитор ёки кредитор бўйича ойлик яқунлар тарзида, шу варақчаларда акс эттирилган маълумотлар асосида қайд этилади.

“Расшифровка варақаси” 13-ишланма жадвали ва уни қўллаш тартиби ушбу тавсияларнинг “Умумий қоидалар” бўлимида баён этилган.

11. ХУЖЖАТЛАР ВА ҲИСОБ РЕГИСТРЛАРИНИ САҚЛАШ

Журнал-ордерларни, уларга илова қилинган ёрдамчи қайдномаларни ва бирламчи ҳужжатларни сақлаш тартиби ҳисоб регистрларида ҳар бир ёзув бўйича ҳужжатларни тез топиб олиш имкониятини таъминлаш керак.

Ҳисоб юритишнинг журнал-ордер шакли қўлланилганда бухгалтерия архиви қуйидаги тартибда сақланиши керак.

Бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари журнал-ордерлардан ёки таҳлилий ҳисоб юритиш қайдномаларидан алоҳида сақланади. Бирон-бир журнал-ордерга ёки битта қайдномага тааллуқли жорий ой ҳужжатларининг ҳар бир туркуми алоҳида жамланади.

Бунда папка ичида ҳужжатлар журнал-ордерда ёки қайдномадаги ёзувларнинг изчиллиги тартибида тикиб қўйилади. Айрим журнал-ордер ёки қайдномага тааллуқли ҳужжатларнинг ҳар бир гуруҳига сақлов маълумотномаси илова қилиниши зарур, унда жамлама ҳисобварақининг ёзилган оyi ва йили, шифри, ҳужжатларнинг тартиб рақамлари (N дан N гача тўлиқ) ва варақлар сони кўрсатилади.

Папкаларда корхона ёки ташқилотнинг номи, папка (ишнинг) номи ва йил бошидан буёнги тартиб рақами,

ҳисобот даври (йил, ой), журнал-ордер ёки қайдноманинг тартиб рақами, папкадаги (ишдаги) варақлар сони ёзиб қўйилади.

Журнал-ордерлар ва уларга илова қилинган таҳлилий ҳисоб юритиш қайдномалари йил давомида очиладиган ва ҳар бири учун алоҳида тутилган папкаларда сақланади.

Расшифровка варақлари журнал-ордерларга ёки ёрдамчи қайдномаларга тааллуқли ҳужжатлар билан бирга сақланадики, уларда шу ҳужжатлар ёки расшифровка варақлари асосида ёзувлар қайд этилган бўлади.

Иш ҳақиқа оид ҳисоб-китоб қайдномалари ойлар бўйича ёки умуман йил бўйича (қайдномалар сонига қараб) алоҳида папкада сақланади.

Журнал-ордерлар ва қайдномалар сақланадиган папкаларни қайдномалар бичимига қараб тайёрлаш зарур, улар ичида (энсиз ленталар шаклида) корешоклар тикилган бўлади.

Ҳар бир корешокқа журнал ёки қайднома босма иш қоғози (бланкаси) хронологик изчиликда (ойлар, цехларнинг тартиб рақамлари ва ҳоказо) ёпиштириб қўйилади.

Бирон-бир журнал-ордер ёки қайднома бўйича бошланғич ҳужжатлар кам бўлса, бундай ҳужжатларнинг ҳар бир туркуми йиллик папкаларда сақланади. Бунда бир ойлик ҳужжатлар бошқа ойдаги ҳужжатлардан хатчўп билан ажратиб қўйилади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Умумий қоидалар.....	4
1. Банкларнинг пул маблағлари ва кредитларини ҳисобга олиш.....	19
1.1. Касса операцияларини ҳисобга олиш.....	19
1.2. Банкдаги ҳисоб-китоб варағига доир операцияларни ҳисобга олиш.....	22
1.3. Банкларнинг махсус ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағларни ҳамда бошқа пул маблағларини ҳисобга олиш.....	25
1.4. Банкларнинг кредитлари ва қарз (заём)ларни ҳисобга олиш.....	30
2. Моддий бойликларни ҳисобга олиш.....	36
3. Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш.....	48
4. Ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш.....	57
4.1. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш.....	57
4.2. Ҳисобдор шахслар билан қилинадиган ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш.....	72
4.3. Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби.....	75
5. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ҳисоби.....	86
5.1. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби.....	86

6. Тайёр маҳсулотлар, товарларни юклаб жўнатиш ва сотишни ҳисобга олиш.....	112
6.1. Тайёр маҳсулотлар, товарларни юклаб жўнатиш ва сотишни ҳисобга олиш.....	112
6.2. Юклаб жўнатилган (сотилган) маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш учун товар балансини тузиш тартиби.....	131
7. Устав капитали, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), махсус фондлар ва захиралар, муайян мақсадли молиялаш маблағлари ва тушумлар ҳисобини юритиш.....	135
8. Асосий воситалар, номоддий активлар ва капитал маблағ сарфлашлар ҳисобини юритиш.....	141
9. Фойдалар ва зарарлар, фойда (даромад), келгуси даврлар даромади бўйича ҳисобланган ва тўланган солиқлар ҳисобини юритиш.....	148
10. Ишланма жадвалларга оид изохлар.....	151
11. Ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини сақлаш.....	156

№211-97

А. Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси
давлат кутубхонаси
Адади 2000
карт. адади 4000

Гадоев Э.Ф., Югай Л.П.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер
шаклини қўллашга доир тавсияномалар

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи
Тошкент, Мустақиллик майдони, 2

Менежер Б.С. Муслимов
Муҳаррир А.Т. Имомназаров
Компьютерда саҳифаловчи ва
оригинал макет тайёрловчи Х.Р. Қодиров
Муқова макетини тайёрловчи Ш.Р. Шарифьянов

Ҳажми 10 б.т. Адади 5 000 нусха. Бичими 60×90¹/₁₆

“Тошполиграфкомбинат” ИКда
бюроtmачи диапозитивларидан босилди

Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Бюроtmма № К-5223.